УзССР Давлат китоб палатаси
ИНВ. № 8
палата УзССР

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 112 (18.589). • Сешанба, 1983 йил 17 май • Баҳоси 3 тийин.

АНГОЛА ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МОСКВАДА БЎЛИШИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан МПЛА — Меҳнат партияси Раиси, Ангола Халқ Республикаси Президенти Ж. Э. душ Сантуш 16 майда Москвага амалий дўстлик визити билан келди.

Уни аэродромда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Д. Ф. Устинов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари Б. Н. Пономарев, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

* * *

Шу куни Катта Кремль саройида Совет — Ангола ҳужжатлари имзоланди.

КПСС ва МПЛА — Меҳнат партияси ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимни КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андропов билан Жозе Эдуарду душ Сантуш имзоладилар.

1983—1984 йилларда СССР билан АХР ўртасида маданий ва илмий ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги протоколни А. А. Громико ва МПЛА — Меҳнат партияси Марказий Комитетининг аъзоси, АХР ташқи ишлар министри П. Жоржи имзоладилар.

КПСС билан МПЛА — Меҳнат партияси ўртасидаги партиявий алоқалар планини Б. Н. Пономарев ва МПЛА — Меҳнат партияси Марказий Комитетининг халқаро алоқалар билан шуғулланувчи секретари А. Ван Дунен (Мбинда) имзоладилар.

Ҳужжатларни имзолаш вақтида:

Совет томонидан — Г. А. Алиев, В. В. Гришин, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, К. В. Русаков, Н. И. Рижков ўртоқлар, бошқа расмий кишилар;

Ангола томонидан Ж. Э. душ Сантушга ҳамроҳлик қилаётган АХР партия ва давлат арбоблари ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

ДОҲИЙ ОРЗУЛАРИ АМАЛДА

Тажрибакорлар минбари

АНИҚ РЕЖА АСОСИДА

Деҳқончилик, хусусан пахтачиликда ҳар йилнинг ўзига хос ташвиши ва қувончи бўлади. Баҳор кеч бошланган, куз эрта тушган йилларни ҳам кўп кўрдик. Гап қийинчиликларда эмас, балки уни мардлик билан енгишда. Бу йил қиш ва баҳорнинг дастлабки кезларида ёғингарчиликлар бўлмади. Бунинг устига ерга яхоб бериш, шўр ювиш ва бошқа тадбирлар амалга оширилиши муносабати билан омборларга тўпланган сув анча камайиб қолди. Маълумки, сувсиз қишлоқ хўжалик экинлари, айниқса, пахтадан юқори ҳосил олиб бўлмайди. Шуни ҳисобга олган бир группа қишлоқ хўжалиги илғорлари ва мутахассислари республикамиз қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги ходимларига, барча сувчиларга Очиқ хат билан мурожаат қилдилар.

Совхозимиз коллективи Очиқ хатни ўзлари учун муҳим қўлланма сифатида қабул қилдилар. Хатдаги **«Ишни шундай ташкил қилиш керакки, сув кам бўлишига қарамай ҳар гектар ер, ҳар бир бригада ва хўжалик сув билан таъминлансин»** деган иборалар ҳар қатра сувдан оқилона фойдаланишга, пахтадан кўп, эртаги ва машина теримибоп ҳосил етиштиришга чорламоқда.

Совхозимиз бу йил 15 минг тонна «оқ олтин» етиштиради. Чигит экишни энг яхши агротехника муддатларида сифатли қилиб ўтказдик. Иккинчи комплекс парваришни бошлаганимизга анча бўлди. Механизаторлар, чопиқчилар, сувчилар — ҳамманинг диққат-эътибори ҳар гектар майдонда камида 125—130 минг туп ниҳол бўлишини таъминлашга қаратилмоқда.

Очиқ хатда ҳозирдан ишни аниқ режа асосида ташкил этишимиз, суғоришни қай усулда, қайси тартибда ўтказиш тадбирларини пишиқ-пухта белгилаб олган ҳолда меҳнатни уюштиришимиз талаб этилади, дейилган. Ҳозирги аниқ режа шундан иборатки, тупроқ қатламидаги табиий намни бўғланишдан тўла сақлаб қолмоғимиз, уни ёш ниҳолларнинг сувга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилдирмоғимиз керак. Табиий нам қанча кўп сақланса, сув шунча кўп тежалади.

Ишнинг бу жиҳати асосан механизаторлар, чопиқчиларга боғлиқдир. Деможчиликмизки, трактор культивацияси тез ва сифатли ўтказилса, чопиқ қилиш йўли билан тупроқ ниҳолларнинг бўғзига қадар юмшатилиб, майин ҳолга келтирилса, нам деярли бўғланмайди, узоқ вақт сақланиб қолади. Энг муҳими ўсимликнинг соғлом ривожланишига катта ёрдам беради. Гектаридан 45—50 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришга аҳд қилган Маҳкамбой Рустамов, Мукаррамхон Тўхтаева, Ҳакимжон Хўжамуродов, Усмон ота Аҳмедовлар бошлиқ бригадаларда ғўза парвариши ана шу талабларга тўла риоя қилинган ҳолда тезкорлик билан ўтказилмоқда.

Механизаторларимиз пахтадан юқори ҳосил етиштиришда ҳамиша карвонбоши бўлиб келдилар. Бу йил мураккаб шароитда, айниқса, фидокорлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Улар сафида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қурбонали Кенжаев, Ленин ордени кавалери Қодиралп Холматов, Ўринбой Шермаётов, Холматжон Саримсоқов ва бошқа механизаторларни кўриш мумкин. Механизаторларимиз фурсат ғаниматлигини ҳисобга олиб, бир вақтнинг ўзида бир неча хил дала ишларини адо этмоқдалар. Қатор ораларида чуқур культивация ўтказяптилар, ёш ниҳолларни минерал ва органик ўғитлар қоришмаси билан озиқлантиряптилар, бегона ўтларни илдизи билан йўқотяптилар. Айни кезда пайкалларга сув тарашга эгатлар очяптилар.

Бизнингча, ҳамма жойда ишни шундай ташкил қилиш керак. Майин тупроқ қатламига ҳаво, ёруғлик, қуёш нури яхши сингади. Бу ёш ниҳоллар учун дармондоридир. Қолаверса, майин тупроқли карталарга сув таралганда обиҳаёт ва ерга солинган ўғитлар қоришмаси ниҳолларнинг илдизига тез етиб борий, ўсиш ва ривожланишига яхши таъсир кўрсатади.

Совхозимизда тажрибали сувчиларнинг катта отряди етишиб чиқди. Муҳаммаджон Мамаков, Бердиали Қобулов, Аҳмаджон Маматов, Абдуҳамид Турсунов каби тажрибали сувчиларимиз бирор туп ғўзанинг чанқаб қолишига сира йўл қўйишмайди. Ҳар қатра сув ҳисобда бўлади.

Шу нарса маълумки, эгатлар чуқур очилса, пуштаҳар текис бўлса таралган сув бир маромда оқади, илдизларга тез етиб боради. Культивация ва кетмон чопиғи сифатсиз ўтказилса, сув равон оқмайди, эгатларда димланиб қолади. Нотекислик юз беради. Нотекис суғорилган ғўзалардан мўл ҳосил олиб бўлмайди. Механизаторлар, чопиқчилар бунга алоҳида эътибор бермоқлари лозим. Мутахассислар эса суғоришнинг бориши ва сифати устидан қаттиқ назорат олиб бормоқлари зарур.

Сувдан оқилона фойдаланиш ҳақида кўп гапириляпти. Бу — тўғри. Лекин исроф ғарчиликка тўла барҳам берилмаяпти. Айрим ҳолларда сув кўчаларга, зовурларга оқиб ётади. Карталарнинг ўрта қисмида тўпланиб қолиб, кўлоб ҳосил қилади. Ҳамма хўжаликларда ҳам тунги суғориш яхши ташкил қилинаётир деб бўлмайди. Ҳозирдан бошлаб имкониятга қараб сувчилар сонини кўпайтириш, уларнинг унумли ишлашларига қулай шарт-шароитлар яратиб бериш, айни кезда қаттиқ масъулият талаб қилиш керак. Ҳар туп ниҳол ва ҳосил тақдири учун сувчилар ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ жавобгардирлар.

Совхозимизда ҳосилдорликни ошириш чоралари кўрилмоқда. Биргина мисол келтирамиз. 27 та кам ҳосилли бригадаларни юқори ҳосилли бригадалар даражасига кўтариш йўли билан қўшимча 3500 тонна пахта тайёрлаймиз. Барча бригаларда эса ҳосилдорликни кескин кўтариб, 15 минг тонналик маррани сўзсиз эгаллаймиз. 1983 йилни зарбдор меҳнат йилига айлантирамиз. Бу КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларига амалий иш билан берган жавобимиз бўлади.

Неъматжон АҲМЕДОВ,
Киров районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозининг директори.

БУГУН В. И. ЛЕНИН ТОМОНИДАН «ТУРКИСТОНДА СУҒОРИШ ИШЛАРИГА 50 МИЛЛИОН СУМ ПУЛ ЧИҚАРИШ ВА СУҒОРИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ДЕКРЕТНИНГ ИМЗОЛАНГАНЛИГИГА 65 ЙИЛ ТЎЛДИ.

ВЛАДИМИР Ильич Туркистон харитаси олдида. У бу ўлкани Шарқ машъалига айлантиришнинг аниқ режаларини ўйламоқда. Асрлар давомида сувсиз қақраб ётган беполён чўлоқ биёбонларни ўзлаштиришнинг истиқболини кўзламоқда. Доҳий суғориш ишларини амалга оширишга, айниқса, катта эътибор билан қарар эди. «Суғориш ҳамма нарсадан афзалдир ва биноларни, у ўлканинг қиёфасини ўзгартиради, ўтмишга барҳам беради, социализмга ўтишни тезлаштиради», деб башорат қилган эди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейинроқ Совет ҳукумати Владимир Ильич томонидан 1918 йил 17 майда имзоланган «Туркистонда суғориш ишларига 50 миллион сўм пул чиқариш ва бу ишларни ташкил қилиш тўғрисида» Декрет қабул қилди. Шу йилнинг ўзида В. И. Ленининг бевосита раҳбарлигида техника масалаларига бағишланган кенгаш чақирилиб, Туркистондаги ирригация ишлари масаласи кўриб чиқилди. Кенгашда Туркистондаги ирригация ишларини амалга оширишнинг порлоқ истиқболлари хусусида сўз юритилди. Доҳий имзолаган тарихий декрет Ўрта Осиё Совет республикаларида ирригация қурилишини планли равишда кенг авж олдириш ишларига асос солди.

Владимир Ильичнинг доҳиёна башорати, унинг орзулари ҳақиқатга айланганлиги билан фахрланамиз. Ўрта Осиё республикалари, шу жумладан, Ўзбекистон мамлакатининг қудратли индустриал ва комплекс механизациялашган аграр республикасига айландик. Бир вақтлар қуш учса қанотн қуядиган даштлар бугунги кунда гулистонга айланди. Ўз жамолини кўз-кўз қилаётган социалистик қишлоқларимиз доҳий башоратининг самараларидир. Ленинча декретнинг амалга оширилиши республика қишлоқ хўжалигининг ҳамма жабҳаларида ялқол кўринди турибди. Пахтачилигимиз ва ирригациямиз истиқболли йўлдан бориб катта муваффақиятларни қўлга киритмоқда.

КПСС XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари тарихий қарорларини амалга ошираётган республикамиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари мамлакат экономикасини юксалтиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаверадилар.

ДЎСТОНА УЧРАШУВ

16 май куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андроповнинг МПЛА — Меҳнат партияси Раиси, Ангола Халқ Республикаси Президенти Жозе Эдуарду душ Сантуш билан учрашуви бўлиб ўтди.

Дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитида ўтган суҳбат чоғида халқаро вазиятнинг баъзи бир муҳим проблемалари ва, аввало, Африка қитъасининг жанубидаги аҳвол, шунингдек Совет — Ангола икки томонлама муносабатларига доир масалалар кўриб чиқилди.

Халқаро масалаларни муҳокама қилган чоғида ҳар икки томон жаҳонда сақланаётган кескинликдан, АҚШ бошлиқ империалистик кучларнинг агрессив авантюрачилик йўли натижасида айрим регионларда вужудга келган хатарли вазиятдан ташвиш изҳор этишди. Уруш хавфини камайтириш, қуролланиш пойгасини жиловлаш, ер юзида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун барча тараққийпарвар, тинчликсевар, миллий-озодлик кучларининг курашини янада кучайтириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Африка жанубидаги проблемалар юзасидан фикрлашув вақтида ҳар икки томон ЖАРнинг Анголага қарши эълон қилинмаган уруши дарҳол тўхтатилиши ва ирқчиларнинг қўшинлари Ангола территориясидан олиб чиқиб кетилиши, шунингдек Анголага қарши бўлган қўғирчоқ реакцион ташкилотлар қўллаб-қувватланиши н и н г, ЖАРнинг бошқа «фронт ёқаси» давлатларига қарши қўпорувчилик ҳаракатларининг тўхтатилиши тўғрисидаги талабни таъкидлаб ўтишди.

Намибия халқига мустақиллик бериш проблемасини унга тааллуқли бўлмаган кубалик интернационалист жангчиларнинг Анголада бўлиши ҳақидаги масала билан сунъий равишда боғлаш орқали АҚШ ва унинг иттифоқчилари бу проблемани ҳал этишни пайсалга солиш йўлидаги уринишлари қатъий қораланди.

СССР ва Ангола Преторияси ирқчиларининг Намибияни қонунга хилоф равишда оккупация қилиб туриши дарҳол тўхтатилишини ва шу мамлакатнинг мустақиллиги тўғрисидаги БМТ қарорларининг ҳаммаси, шу жумладан Хавфсизлик Кенгашининг 435-резолюцияси сира кечиктирмай амалга оширилишини ёқлаб чиқмоқда.

Ж. Э. душ Сантуш Ангола экономикасини ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, ташқи хавфни даф этиш ишида Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг интернационал ёрдами учун чуқур миннатдорчилик изҳор этди. Совет томони Ангола Халқ Республикасининг суверенитети, мустақиллиги ва территориал бутунлигини ҳимоя қилишда Совет Иттифоқи унга бундан буён ҳам мадад беражагини айтди.

Ю. В. Андропов билан Ж. Э. душ Сантуш дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги мустаҳкам шартнома негизида СССР билан Ангола ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик оғишмай мустаҳкамланиб бораётганлигидан мамнун эканликларини изҳор этдилар ва ҳамма соҳаларда, шу жумладан, турли даражаларда фикрлашув ва маслаҳатлашув практикасини кенгайтириш йўли билан алоқа ва муносабатларни янада ривожлантиришни ёқлаб чиқдилар.

КПСС билан МПЛА — Меҳнат партияси ўртасида ҳар икки партияни бойитувчи тажриба ўртоқлашишни бундан буён ҳам давом эттиришга бўлган ўзаро интилиш таъкидланди. (ТАСС).

ПИЛЛАЧИЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ ИШЛАРИ

▲ ИПАК ҚУРТИ БОҚИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИ
▲ ПИЛЛАНИ ТЕРИШДАН ОЛДИН ҚАНДАЙ ИШЛАРНИ БАЖАРИШ КЕРАК
▲ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН СИФАТЛИ ХОМ АШЁ ЕТКАЗИБ БЕРАЙЛИК!
▲ БУТУН КУЧ — РЕКОРД ҲОСИЛ ОЛИШГА ҚАРАТИЛСИН!

Республика колхоз ва совхозларида ипак қурти парваришида ҳал қилувчи паллага кирди. Ҳозирги пайтда боқилаётган 430 минг қути қурт уруғидан 150 минг қутиси бешинчи, 120 минг қутиси эса тўртинчи ёшда. Бухоро, Қашқадарё, Тошкент ва Фарғона областларида ипак қуртининг бир қисми пилла ўрай бошлади. Шу тариқа ипак қуртини парвариш қилишда энг масъулиятли дамлар бошланди.

Маълумки, пировард натижада олинадиган маҳсулот — ипак қурти танасида айнан бешинчи ёшга кирган пайтида ҳосил бўлади. Шунинг учун ҳам бу даврдаги қилинадиган парвариш бўлажак пилла ҳосилининг сифатига, ҳам миқдорига катта таъсир кўрсатади.

Бешинчи ёшга кирган ипак қурти одатда етти-саккиз кун давомида барг ейди. Ана шу кунлар давомида у етарли миқдорда янги қиқилган тут барги билан таъминлаш турилиш шарт. Бунинг учун сутканинг салқин пайтида тайёрланган тут баргини зах ва салқин жойларда 15—16 даражадан юқори бўлмаган ҳароратда сақлаш лозим. Тут баргидаги нам йўқолишининг олдини олиш учун у ҳўл шолча ёки полиэтилен плёнка остида сақланади.

Ипак қуртини етарли миқдорда озиқлантирмаслик пилла ҳосилдорлигининг кескин пасайишига олиб келади. Баъзи хўжаликларда шундай ҳоллар ҳам юз беради, ҳали етилмаган, тўйдирилмаган ипак қурти дасталар билан кўмиб ташланади. Бундай ҳолларда қуртлар озуқа ахтариб бир-икки кун давомида дасталар устида ўрмалаб юради-да, кейин нобуд бўлади, бир озгина қисми эса сифатсиз, майда пилла ўрайди. Бунинг натижасида 20—22 кунлик меҳнат бефойда кетади. Пилланинг даромади камаяди. Бундай кўнгилсиз ҳолнинг олдини олиш учун тут баргидан оқилона фойдаланиш, бу қимматбаҳо озуқанинг исроф бўлишига йўл қўймаслик ҳар бир ипак қуртидан аъло сифатли пилла олишга эришиш керак.

Ипак қуртини боқишнинг бошқа муҳим омилларидан бири ҳозирги пайтда уни етарли даражада майдон билан тамъинлашдир. Қурт боқиладиган сўри майдонларининг етишмаслиги ипак қуртининг зичлашувига, унинг бир текисда ривожланмаслигига, юқумли ва бошқа касалликлар тарқалишига олиб келади. Илғор пиллакорлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ипак қурти қанчалик сийрак қилиб боқилса, пилладан шунча юқори ҳосил олинади. Шунинг учун ҳам ҳар қути ипак қурти камида 70 квадрат метр боқиш майдони билан таъминланиши тавсия этилади.

Бу йилнинг об-ҳаво шароитлари, айниқса, май ойининг об-ҳавоси, пиллахоналарда нам ҳавонинг ҳаддан ташқари кўп тўпланиб қолмаслиги учун ўз вақтида қатъий чоралар кўришни талаб қилмоқда. Ипак қуртлари бешинчи ёшга кирганда пиллахоналарга кўплаб тут барги олиб кирилади. Тут баргидан ҳамда қурт танасидан маълум миқдорда нам ажралиб чиқади. Буларнинг ҳаммаси пиллахонада қисқа муддат ичида намнинг кўпайишига, бу эса ўз навбатида ошиб қолган баргнинг тез моғорлашига ва касаллик тарқатувчи микроорганизмларнинг жадал кўпайишига олиб келади. Бундан ипак қурти боқиладиган бино ҳароратининг пасайишига йўл қўймаган ҳолда тез-тез шамоллатиб туриш йўли билангина қутулиш мумкин.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бешинчи ёшнинг етти-саккизинчи кунида ипак қуртининг «етилиши» ёки пилла ўраш даври бошланади. Пиллакорлар бундай пайтни ипак қуртининг ташқи кўринишига қараб аниқлайдилар. Бу пайтда ипак қурти ўз ичакларини ўзлаштирилмаган озуқа қолдиғидан тозалаб, йирик ҳажмдаги экскрементлар ажратади ва тиниқлашгандай бўлиб қолади. Айни шундай пайтда даста қўйиш бошланади.

Даста сифатида майда шохли табиий ўтлар қўлланилади. Уларни қуртларга қўйишдан аввал тозалаб, яхшилаб ювиб, соғда қуритиб ва боғлаб қўйиш керак. Ғўзапоядан даста ўрнида фойдаланиш тавсия этилмайди. Чунки дефолиация даврида ўрнашиб қолган заҳарли химикатларнинг қолдиқлари пиллахонада юқори намликнинг таъсири остида ипак қуртига ҳалокатли таъсир кўрсатиши мумкин.

Дасталар пилла қуртига шахмат усулида шундай тартибда жойлаштириладики, уларнинг орасида ҳали пилла ўрашга етилмаган ипак қуртларининг озиқланиши учун жой қолган бўлсин. Иккинчи куни дасталар уларга чиқиб олган ипак қуртлари билан бирга бошқа бинога олиб ўтилади ёки шу ернинг ўзида тортилган симларга осиб қўйилади. Сўкчакда қолган қуртларга эса яна даста қўйилади. Пилла ўрашнинг бундай усули ипак қуртларининг тўла озиқланиши ва уларнинг ҳар биридан бўлиқ пилла олиш имконини беради.

Ипак қуртлари оммавий равишда пилла ўраш бошлаганидан етти-саккиз кун ўтгач пилла пишиб етилган ҳисобланади. Ҳосил териш пайти 10 дона пиллани кесиб кўриш йўли билан аниқланади. Агар кесилган пиллаларда қуртлар ғумбакка айланган бўлса, пиллани териш мумкин. Агар улар ҳали ғумбакка айланиб улгурмаган бўлса, терим кейинги кунларга қолдирилиб пилланинг тўла пишиб етилиши кутилади.

Пилла теришга киришиш олдидан дасталар диққат билан текшириб чиқилади. Уларда ўлган, чириган қурт бўлса ёки доғли пиллалар учраса улар биринчи навбатда ажратиб олинади. Кейин теримга киришилади. Териш пайтида пилла сортларга ажратилади ва алоҳида идишларда тайёрлов пунктларига жўнатилади. Пиллани ортиш, ташиш ва тушириш жараёнида эзилмаслиги учун тўқилган сават, атрофи тешилган ва ҳаво ўтадиган махсус яшчиклардан фойдаланилади. Пиллани тайёрлов пунктларига қоплар ташиш бу қимматбаҳо хом ашёнинг табиий хусусиятларини кескин пасайтиради.

Республиканинг кўпгина районлари ва хўжаликлари ипак қурти боқишнинг белгиланган агротехник қоидаларига қатъий амал қилиб, 1982 йилда саноат хом ашёсининг сифатини кескин яхшилашга, пишиб етилмаган пилланинг терилишига йўл қўймасликка эришдилар. Бунинг натижасида улар пилланинг сифатини яхшилаганликлари эвазига қўшимча равишда 5 миллион 423 минг сўм миқдорида пул олишга муваффақ бўлдилар.

Лекин шунга қарамай, айрим районларда пилла тайёрлашда шошма-шошарликка йўл қўйилди. Пишиб етилмаган пилла терилиб, давлат қабул пунктларига топшириш ҳоллари содир бўлди. Оқибатда Қашқадарё областининг биргина Қарши райони пиллачилари 1982 йил якуни бўйича давлатга 237 минг сўм, Наманган областининг Косонсой райони 358 минг сўм, Самарқанд областининг Пахтачи райони 477 минг сўм, Бухоро областининг Ғиждувон райони 733 минг сўм зарар келтирдилар. Бу йил бундай зарарли оқибатларга олиб келадиган ҳолларга чек қўйишимиз лозим.

Ишончимиз комилки, республикамиз пиллакорлари ўн биринчи беш йилликнинг белгиловчи йилида пилладан юқори ва рекорд ҳосил олишга эришадилар. Ўтган йилларда йўл қўйилган пиллани ҳом териш ва давлатга топшириш нуқсонларга чек қўйиб, совет кишиларининг фаровонлигини янада ошириш йўлида саноатимизни аъло сифатли хом ашё билан таъминлайдилар.

Э. ТОЖИЕВ,
Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари.

ОЛИМЛАР МАКТАБИ

16 май куни Тошкентда ёш физик олимларнинг II мактаби очилди. Бу ерда ўн кун давомида атроф-муҳитни назорат қилишнинг ядро-физик методларини қўлланиш, атом электростанцияларининг радиоактив чиқиндиларини эҳтиёт қилиш юзасидан машғулотлар ўтказилади. Мактабни СССР Фанлар академиясининг идораларо кенгаши, СССР Атом энергиясидан фойдаланиш давлат комитети, СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ядро физикаси институти ташкил қилган. СССР Фанлар академияси, иттифоқдош республикалар Фанлар академиялари, бир қанча институтларнинг етакчи тадқиқотчилари машғулотларни ўтказиш учун жалб этилди. (ЎзТАГ).

ИЛМИЙ КЕНГАШ СЕССИЯСИ

Андижонда СССР Фанлар академиясининг «Ўтга чидамли янги ноорганик материаллар ҳосил қилишнинг физикакимиявий асослари» проблемасига доир илмий кенгашининг ҳисобот сессияси бўлиб ўтди.

СССР Фанлар академияси Сибирь бўлими катализ институтининг илмий ходими В. Н. Пармон, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Теплофизика институти лабораториясининг мудири О. С. Мергилян доклад қилдилар.

Докладларни муҳокама қилишда СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ленинград давлат университетининг ректори В. Б. Алесковский, Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти лауреати, техника фанлари доктори, профессор И. Д. Тикачинский, СССР Давлат мукофоти лауреати К. Б. Поварова ва бошқа олимлар қатнашдилар. СССР Фанлар академиясининг академиги, Силикатлар химияси институтининг директори М. М. Шульц якунловчи нутқ сўзлади.

Сессия муҳокама қилган проблемани ишлаб чиқишнинг бундан буёнги йўналишлари ва истиқболларини белгилади. (ЎзТАГ).

ДЕЛЕГАЦИЯ ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари, СССР Олий Совети Иттифоқ Совети Қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссия раиси М. С. Горбачев бошчилигидаги СССР Олий Совети делегацияси Канада парламентининг таклифига биноан 16 май куни расмий визит билан Москвадан шу мамлакатга жўнаб кетди.

Аэродромда делегацияни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Г. А. Алиев, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар. (ТАСС).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: РАҲБАРЛИК УСЛУБИ

КОЛЛЕКТИВ ШАРАФИ

Областдаги корхоналар ёки хўжаликларда бўлиб беихтиёр коллективларнинг «характери»га назар ташлайсан. Шунда баъзиларнинг шошмасдан ишлаётганликларини, кўзланган мақсад сари дадил бораётганликларини кўрасан. Бошқалар эса гўё улардан кам куч-ғайрат сарфламасаларда, аммо натижалари анчагина кам бўлади.

Эҳтимол, коллектив характери ишлаб чиқаришдаги тартибга боғлиқдирки, бу ҳақда ҳозир «Правда» саҳифаларида сўз юритилмоқда. Қаердаки, интизом мустаҳкам бўлса ва одамлар ўртасидаги муносабатлар принципиал негизга қурилса, ўша коллектив ҳамма вақт ўзининг ишончлилиги, барқарор кўрсаткичлари билан ажралиб туради.

Шундай вақтлар ҳам бўлганки, область корхоналарида прогуллар сони ўсиб борди, интизомнинг бўшлиги ишлаб чиқариш кўрсаткичларига таъсир кўрсатди. Бу нарса КПСС Марказий Комитетининг Ўзбекистон Компартияси Фарғона область комитетининг халқ хўжалигида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва кадрлар қўнимсизлигини қисқартириш бўйича олиб бораётган ишлари тўғрисидаги қарорида ҳам қайд этиб ўтилди. Шундан бери икки йилдан кўпроқ вақт ўтди. Бу орада нима ишлар қилинди?

Албатта, Марказий Комитет қарори бизни ўз ишимизга танқидий назар билан қарашга, таъсирчан чоралар кўришга мажбур этди. Биз тартибни фақат иш жойларидагина эмас, балки бошқарувнинг барча бўғинларида ўрнатишга қарор қилдик.

Шундай мисол келтираман. Яқин вақтларгача Қўқон ип йигирув-тўқув фабрикасида биринчи ўн кунликда ойлик планнинг бор-йўғи 13—15 проценти бажарилар, 35—36 проценти эса иккинчи ўн кунликда, қарийб ярмо бўлса учинчи ўн кунликда адо этиларди. Табийики, бу ўринда ишга кечикиб келаётган ишчилардангина эмас, энг аввало корхона раҳбарларидан жавоб талаб қилиш лозим эди. Ишлаб чиқаришдаги уюшқоқсизлик — шунинг ўзи меҳнат интизомини бузиб келаётган эди.

Баъзан мана шу уюшқоқсизликнинг ўзи планлаштириш чоғида юзага келарди. Ҳар йили Иттифоқ ва республика Министрликлари Фарғонадаги кўпгина корхоналарнинг планларини ўзгартириб туради.

Шуни айтиш керакки, қаердаки соғлом маънавий муҳит яратилган экан, ўша коллектив обрў-эътибори мустаҳкам бўлади. Бу ҳам кўп жиҳатдан раҳбарнинг позициясига боғлиқдир. Агар директор ўзини юқори тутса, манманликка берилса, партия ва касаба союз ташкилотларининг фикр-мулоҳазаларига қулоқ солмаса, меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларига лоқайд муносабатда бўлса, бу корхонада самарали, уюшқоқ меҳнатни кутиш қийин. Областдаги партия комитетлари масаланинг ана шу томонига анча кўпроқ эътибор берадиган бўлиб қолдилар. Масалан, Фарғона шаҳар партия комитети сунъий чарм заводи директори В. Поповни манманлигги учун қаттиқ жазолади.

Танқиднинг таъсирчанлиги муҳим аҳамиятга эга. Аммо худди ана шу иш участкасида ҳам катта нуқсонларга йўл қўйилган. Ҳатто район партия комитетларининг пленумларида ҳам тумтароқ формулировкалардан фойдаланишарди. У ёки бу колхознинг раиси планни барбод қилди деб тўғридан-тўғри айтиш ўрнига «резервлардан фойдаланилмади» деган таъсирсиз сўзларни ишлатишни афзал кўришарди. Хўжалик ходимларининг ишини партия органлари ўз зиммасига олиши ҳам уларнинг шахсий масъулиятини сусайтиради. Илгари деярли ҳар бир объектда шаҳар ва район партия комитетлари қурилиш штаби тузишарди. Тўғри, йирик саноат комплекси қурилаётганда, уни тиклашда ўнлаб турли-туман ташкилотлар қатнашаётганда, партия штабисиз ишни битириш қийинлигини тушунаман. Аммо уй-жой бинолари қурилишида барча масалаларни бинокорлик, монтажлаш бошқармаси бошлиғисиз ҳам прорабнинг ўзи ҳал эта олиши мумкин бўлган вақтда штаб тузишнинг нима кераги бор? Аммо бундай штабларни тузишарди, жуда кўплаб вақтларни мажлисбозликка сарфлашарди.

Менинг фикримча, ҳудабеҳуда кетаётган партия комитетларининг комиссиялари ҳам ишга катта зарар етказяпти. Бундай комиссияларга албатта, шаҳар ёки район партия комитетининг биринчи ёки иккинчи секретари бошчилик қилиши керак бўлиб, бунга ҳамма одатланиб қолган эди. Мен бир район партия комитетининг секретарини биламан. У ўн битта комиссияга, шу жумладан мактабларга ускуналар келтириш комиссиясига ҳам бошчилик қиларди. Ахир бу иш ҳатто мактаб директорининигина эмас, балки хўжалик мудирининг тўғридан тўғри бурчи-ку?! Аммо тасаввур қилингки, иш барбод бўлса кимдан сўралади? Демак, райком секретари жавоб бериши керак экан-да. Хўжалик ходимларини партия комитетлари билан алмаштиришдек яроқсиз практика нималарга олиб келмайди.

Яқинда область партия комитети бюроси Фарғона шаҳар ва Ленинград район партия комитетларининг ҳисоботларини тинглаб, улардан ва бошқа барча партия комитетларидан раҳбар кадрларнинг шахсий масъулиятини оширишни талаб қилди.

Агар ташкилий-техникавий, иқтисодий ва бошқа тадбирлар сабр-тоқат билан олиб бориладиган тарбиявий ишларда уйғунлаштирилмаса, кутилган самарага эришиб бўлмайди. Тўғриғи, энг асосий мақсадга — ҳар бир коллективда дангасаларга, ишёқмасларга, бракчиларга жой қолдирмайдиган муҳитни яратишга эришиб бўлмайди. Коллективдаги уюшқоқлик билан ҳалол меҳнат қилиш вазияти ишчиларнинг бир-бирларига нисбатан кундалик талабчанлиги каби ҳар қандай ўгитнасиҳатдан яхшироқдир, муҳимроқдир. Бизда эса шундай ҳоллар ҳам бўладики, айрим корхоналарда меҳнат интизомини бузувчиларни ҳатто касаба союз комитетлари йиғилишларида ҳам муҳокама қилишмайди. Прогулчиларни ўз хоҳишига кўра ишдан бўшатиш ҳолларига ҳам тўла-тўкис барҳам берилмаган. Айрим пайтларда эса улар ҳатто мукофот ҳам оладилар.

Коллектив — бу кучдир. Агар бошланғич партия ташкилоти кишиларни тўғри сафарбар қила олсагина бу кучдир. Интизом учун курашда биз асосий партия звенолари ролини оширишга муҳим аҳамият бермоқдамиз. Бунинг учун биз улардан энг яхшиларининг тажрибаларига мурожаат қиламиз. Мисол учун Марғилон «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмасини олайлик. Илгари бу ерда тиғиз шароит ҳукмрон эди. Ҳозир аҳвол яхшиланган. Коллективда тарбиявий ишларнинг қайта қурилганлиги ёрдам берди. Айтайлик, натижалар чиқарилаётганда эндиликда фақат техника-иқтисодий кўрсаткичларигина эмас, балки интизомнинг аҳволи, кадрлар қўнимсизлиги ҳам ҳисобга олиняпти. Иш вақтидан фойдаланиш бўйича жамоатчилик кўрик-конкурслари мунтазам равишда ўтказилмоқда, уларнинг натижалари «меҳнат интизоми экрани»да қайд этилмоқда. 390 мураббий ёш ишчиларни яшаш ва ишлашга ўргатмоқда. Хўш, натижалар-чи? Улар ҳозирдаёқ кўзга яққол ташланмоқда. Прогул қилишлар қарийб уч марта камайди, кадрлар қўнимсизлиги қисқарди.

Фарғона уйсозлик комбинатида ҳам худди шундай бўлди. Бу ерда коммунистлар ташаббуси билан анъанавий қурилиш-монтаж бошқармалари ўрнига оралиқ потоклари тузилди. Йирик панелли уйсозлик заводи ишчилари, автотранспорт ҳайдовчилари, бинокорларнинг ўзлари оралиқ пудратига ўтишди. Ўтган йили комбинат планда кўзда тутилганидан кўпроқ уй-жой биноларини қурди. Энг муҳими уй-жойлар бутун йил давомида бир меъёрда топширилди. Комбинатда кадрлар қўнимсизлиги бошқа қурилиш ташкилотларидагига нисбатан анча кам. Прогуллар кескин қисқарди. Сменалар ўртасидаги бекор туриб қолишларга деярли барҳам берилди. Ишлаб чиқаришнинг яхши ташкил этилганлиги — демак, у ҳам яхши кайфиятни ифодаласа, демак, у яхши ишлашни, коллективнинг юксак обрў-эътиборини ҳам таъминлайди.

Мана шунинг учун ҳам область, шаҳар ва район партия комитетлари меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлашнинг коллектив шаклларини жорий қилишга, ишлаб чиқаришни бошқариш механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор бермоқда. Бугунги кунда область саноатидаги ҳар учта бригададан биттаси коллектив пудрат бўйича ишламоқда. Винокорларнинг ярми Николай Злобин усули асосида тер тўкмоқда. Биз фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий қилишга, ускуналарни модернизациялашга, ишлаб чиқариш эстетикасига қаттиқ киришдик.

Кўп нарса социал масалаларнинг ҳал этилишига боғлиқ. Масалан, ишдан бўшаб кетган ишчиларнинг 20—25 проценти уй-жой билан таъминланмаганликлари, маданий-маиший хизмат кўрсатишдаги нуқсонлар туфайли ўз коллективларини тарк этганлар. Биз бу қийин масалаларни тезроқ, оперативроқ ҳал қилишга интилмоқдамиз. Уй-жой бинолари, мактаблар, болалар боғчалари ва яслилари, касалхоналар қурилишини тезлаштирмоқдамиз. Савдо, умумовқатланиш корхоналари тармоқлари кенгайтирилмоқда. Шаҳарда янги автобус ва троллейбус машрутлари очилмоқда. Маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари корхоналарининг иш графиклари қайтадан кўриб чиқилмоқда.

Партия йиғилишлари кун тартибига кадрларнинг мўқим ишлаб қолишлари, меҳнат қилиш ва маиший шароитларни яхшилаш масалалари тез-тез қўйилмоқда. Доимий ҳаракатдаги ишлаб чиқариш кенгашлари, жамоатчилик асосидаги кадрлар бўлимлари, ўртоқлик судлари, ҳуқуқ-тартибот бузилишининг олдини олувчи кенгашлар фаолиятлари активлаштирилмоқда.

Хуллас, партия Марказий Комитети қароридан сўнг областимизда анчагина ўзгаришлар юз берди. Кейинги уч йилнинг ўзида саноатда иш вақти йўқотилиши тахминан 20 процентга, кадрлар қўнимсизлиги 10 процентдан кўпроққа қисқарди. Биз мажлислар, кенгашлар, конференциялар, слётлар ўтказишни тартибга солишга ҳаракат қилмоқдамиз. Улар эндиликда фақат ишдан ташқари пайтда ўтказиляпти.

Бир сўз билан айтганда, область коммунистлари коллективнинг юксак шарафи учун, қатъий интизом учун барча йўналишларда кураш олиб бормоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми қарорлари, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг маслаҳатлари ва кўрсатмалари бу ишга янада собитқадамлик ва таъсирчанлик бахш этди.

Тўғри, биз ўз кучимиз билан ҳал эта олмайдиган масалалар ҳам бор. Айниқса, йирик корхоналарни хом ашё билан тамъинлаш масаласи коллективлар қўл-оёғини боғлаб турибди. «Фергананефтеоргсинтез», «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмалари, фуран бирикмалари, химиявий толалар заводларининг қувватларидан юқоридаги сабабларга кўра, тўла-тўкис фойдаланиб бўлмаяпти. Қувасой цемент комбинатида 1980 йилдаёқ ишга туширилган текис шифер ишлаб чиқарувчи автомат линия фақат 80 процент иш билан таъминланган, холос.

Яхшироқ планлаштирайлик, планларни яхшироқ бажарайлик, ишлаб чиқаришни яхшироқ ташкил қилайлик. Биз партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми ўртага қўйган вазифаларни ҳал этишда шу йўлдан бормоқдамиз.

Ҳ. УМАРОВ,
Ўзбекистон Компартияси Фарғона область комитетининг биринчи секретари.

«ПРАВДА», 1983 йил 15 май.

ТУРКИСТОНДА СУҒОРИШ ИШЛАРИГА 50 МИЛЛИОН СЎМ ПУЛ ЧИҚАРИШ ВА СУҒОРИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ЛЕНИНЧА ДЕКРЕТНИНГ 65 ЙИЛЛИГИГА

ЖАСОРАТ ДАВОМ ЭТАДИ

СУРАТЛАРДА: 1. 1948 йилда Мирзачўлда Фарғона водийсидан келган марди-майдонларни кутиб олиш. 2. Пахтакор районидаги Ульянов номли совхознинг ветеран-деҳқони Очил Каримов ўғиллари Мавлон ва Давлат билан. Қўриқ ерларни ўзлаштиришга биринчилар қаторида отланган отахонни совхозда ҳамма ҳурмат қилади, эъзозлайди. Бу чўлқувар кўп йиллар давомида Жиззах чўлида пахтачилик бригадасига раҳбарлик қилди. Ҳосилдорликни йил сайин ошириб пахта устаси бўлиб етишди. У 1977 йилда ҳар гектар ердан 36 центнердан қўриқ «оқ олтин»и етиштирди. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси жанговар Шуҳрат ордени кавалери Очил Каримов меҳнатдаги шижоати учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Ҳозир отахон қарилик гаштини сурмоқда. Унинг ўрнини фарзандлари эгаллаган. Кекса пахтакор бўш вақтларида ўзи ишлаган бригадага бориб, ёшларга маслаҳатлар бериб туради. Чўлда дастлабки йилларда бўлган воқеаларни мароқ билан ҳикоя қилиб беради. Ўғли Мавлон Каримов бригадага раҳбарлик қилиб пахтакорлик касбини шарафлаяпти. Оталар бошлаб берган жасорат давом этади.

В. Сироткин ва Р. Нуриддинов (ЎзТАГ) фотолари.

МУСОБАҚАДОШЛАР ЙЎҚЛАМАСИ

ПУДРАТ САМАРАСИ

Гулистон районидаги Карл Маркс номли ва «Ўзбекистон» колхозларининг меҳнаткашлари кўп йиллардан бери ўзаро мусобақалашиб келадилар. Доимий аньанага кўра, ҳар икки хўжаликнинг меҳнаткашлари бу йил ҳам ўзаро мусобақани давом эттиришиб, халқ хўжалигининг барча соҳаларида энг юксак марраларни эгаллашга астойдил бел боғлаганлар.

Хўш, мусобақадош хўжаликларда баҳорги дала ишлари қандай олиб борилмоқда, бригада пудрати мазкур хўжаликларда қандай қарор топмоқда! Қуйида ҳар икки хўжаликнинг донгдор бригада бошлиқлари ана шулар ҳақида ҳикоя қилиб берадилар.

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА

Бойқул СУЮНОВ,
Карл Маркс номли колхоз бригада бошлиғи, Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат Белгиси» орденлари нишондори:

— Колхозимиз пахтакорлари бу йил 1754 гектар ерда деҳқончилик қилиб, ҳосилдорликни гектар бошига 30 центнерга етказиш ҳамда она-Ватанга жами 5500 тоннадан зиёд «оқ олтин»и етказиб бериш мажбуриятини олишган. Баҳорги дала ишларини юксак социалистик мажбурият асосида ташкил этган хўжалигимиз, шу жумладан бригадамиз коллективи чигит экишдек масъулиятли вазифани ўз вақтида муваффақиятли тугалладилар.

Маълумки, бу йилги баҳор бирмунча эрта келди. Бу эса деҳқонларимиз, механизаторларимиздан ҳушёрлик, тадбиркорликни талаб этди. Кўклам тараддудини деярли ўн-ўн беш кун илгари бошладик. Натижада энг қулай агротехника муддатларида ерга уруғ ташлаб олинди. Бунда бригадамизнинг тажрибали механизаторларидан Ўрол Сафаров, Тошпўлат Ботиров, сеялкачиларимиздан Аъзам Аҳмедов, Илҳом Мирзаевлар, айниқса, жонбозлик кўрсатишди. Шунингдек, майдонларни сифатли қилиб тайёрлашда Шоди Аҳмедов, Бойназар Ботиров каби азамат тракторчиларимизнинг фидокорона иш олиб борганликларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Чигитни илғор технология асосида, яъни кенг қаторлаб, гербицид билан экдик, айни пайтда маҳаллий ва минерал ўғит билан озиқлантирдик. Хўжалигимизнинг Камол Абдураззоқов, Жўрақул Шомуродов, Гулэтар Милазова, Гўзал Файқова сингари миришкор деҳқонлар бошлиқ бригадаларида ҳам баҳорги экин-тикин ишлари намунали ўтказилди. Ҳозир далаларимизда мажбуриятимизни тўла бажаришга етарли баравж кўчатларга эгамиз. Айни кунларда ана шу бригадаларнинг колхозчи ва механизаторлари бир текис униб чиққан ниҳолларга сифатли ишлов бермоқдалар.

Мен ўттиз йилдан бери колхозда бригада бошлиғи бўлиб ишлайман. Ўтган йилнинг май ойидан бошлаб бригада пудратини жорий этдик. Орттирилган тажрибаларга таянган ҳолда биз бу йил хўжалик юритишнинг илғор формаларидан ҳисобланган бригада пудратини жорий этишда янада активроқ иш олиб бормоқдамиз. Натижада шу йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида хўжалигимизда колхозчиларга бериладиган иш ҳақи фондидан 10 минг сўмдан зиёд маблағ тежаб қолингани маълум бўлди. Энг муҳими—колхозчиларимиз ўз ишларига масъулият ва талабчанлик билан ёндашиб, иш вақтидан унумли фойдаланадиган бўлдилар.

Бригадамизнинг 86 гектар пахта майдони бор. Ана шу ерда иккита звено ташкил этиб, Ўрол Сафаров билан Малла Аҳмедовларни бошлиқ қилиб сайладик. Ҳар қайси звено коллективи ўз ихтиёридаги майдонларнинг унумдорлигини ошириш, ишчи кучлари, ер, сув, маҳаллий ва минерал ўғит, техника ресурсларидан самарали фойдаланиш, кам меҳнат сарфлаб, мўл ва арзон пахта етиштириш учун кураш олиб боради.

ТЕЖАЛГАНИ — НАҚД БОЙЛИК

Мирзамиддин ИСОҚУЛОВ,
«Ўзбекистон» колхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони:

— Ҳақиқатан ҳам қишлоқ меҳнаткашлари ҳаётига коллектив пудратининг кириб келиши — ўзига хос янгилик, бизлар учун қувонарли воқеа бўлди. Колхозимиз меҳнаткашлари бу прогрессив методни қизғин маъқулламоқдалар ҳамда уни активлик билан ҳаётга жорий этмоқдалар. Чунки бригада пудрати методи асосида ишлашнинг афзалликларини шу усулда ишлаётган коллективлар тажрибаси кўрсатиб турибди.

Колхозимизда 16 та пахтачилик бригадаси бор. Бизнинг коллектив эса улар орасида энг йирикларидан ҳисобланади. Ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида биз 152 гектар ерда мўл пахта ҳосили етиштиришга астойдил бел боғлаганмиз. Ўтган йили 8 гектар ерда боғ яратган эдик. Йил бошида ана шу майдоннинг ўрнини қоплаш учун фойдаланилмай ётган 8 гектарлик ташландиқ ерни ўзлаштириб, қишлоқ хўжалик оборотига киритдик. Натижада умумий пахта майдонимиз камайгани йўқ, аксинча еримизга яна ер қўшилди.

Чигит экишга биз ҳам ҳар қачонгидан барвақт, уюшқоқлик билан киришдик. Бу муҳим агротехник тадбир вақтида сифатли қилиб ўтказиб олинди. Бунда бригадамизнинг Абдулаҳад Оллаёров, Абдували Исоқулов сингари жонкуяр механизаторлари, Мамадали Тўйчиев, Қодирқул Жиянмуродов, Машраб Мақсудов, Ҳикмат Бўлтаков сингари миришкор деҳқонларининг хизматлари катта бўлди.

Бригада пудратининг афзалликлари ҳақида юқорида гапириб ўтган эдим. Йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнидаги тажрибалардан шу нарсалар маълум бўлди-ки, бригадамизда нарядсиз ҳақ тўлаш системасига ўтилгани туфайли январь ойида 400 сўм, март ва апрель ойларида эса 800 сўмдан иш ҳақи тежаб қолингани аниқланди. Бу қувонарли ҳолдир, албатта. Бошқа жойларда бўлаётгани каби бизнинг бригадамизда ҳам янгича ишлаш формаси туфайли бажарилаётган иш сифати яхшиланмоқда, жавобгарлик туйғулари ортмоқда, ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, коллектив иши учун курашмоқда.

Мен ҳам кўп йиллардан бери деҳқончилик касбини ардоқлаб келаман. Бригадирлик масъулиятини зиммага олганимга мана 32 йил бўлмоқда. Бизларнинг ер шароитимиз бошқаларга нисбатан анчагина оғир, тупроғимиз камқувват. Шунга қарамай, коллективимиз ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, кам меҳнат сарфлаб, мўл ҳосил етиштириш учун бор имкониятларини ишга солмоқда. Хўжалигимиз деҳқонлари бу йил 30 центнерлик марра учун курашмоқда. Бригадамиз аъзолари эса 152 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» етиштиришга астойдил бел боғлаганлар. Ана шу мақсад йўлида ҳаммамиз йил бошиданоқ фидокорона меҳнат қилмоқдамиз. Шунингдек, колхозимизнинг Соҳиба Пирназарова, Йўлдош Холбоев, Бўрон Умаров ўртоқлар бош бўлган бригадаларининг деҳқонлари ҳам юксак марраларни кўзлаб олға интилмоқдалар.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ҚАРДОШ МАМЛАКАТЛАРДА

ҚИММАТЛИ ТАЖРИБА

● **СОФИЯ.** Жебел аграр-саноат комплексида қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш учун маҳаллий ресурслардан фойдаланиш соҳасида қимматли тажриба тўпланди. Бу ерда ер ости иссиқ сув манбалари негизида теплица хўжалиги ташкил қилинган бўлиб, у ҳар йили помидорнинг турли навларидан уч марта ҳосил олиш имконини беради.

Болгариянинг жанубидаги тоғли ерда жойлашган Жебел қишлоғи қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш учун деярли ҳеч қандай шароит бўлмаган хўжаликлар қаторига киради. Тоғнинг тик ёнбағирларида буталаргина ўсади, тошлар орасида эса онда-сонда ўт-ўлан униб чиқади. Лекин бу ўлка минерал сув манбаларининг кўплиги билан диққатга сазовордир. Комплекс мутахассисларининг диққат-эътиборини ана шу манбалар ўзига жалб этди. Бу ерда булоқ суви иссиқлиги Цельсий бўйича 34 градусдир. Ер ости суви билан иситиладиган гулзорлар барпо этиш ғояси шу тариқа вужудга келди ва амалга оширилмоқда.

Минерал сув иссиғи ҳисобига полиэтилен плёнкалар остида ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳаво ва тупроқнинг белгиланган ҳарорати сақланади. Махсус қурилмалар ўсимликларнинг илдиз системасини обиҳаёт билан таъминлаб туради. Чунки маҳаллий сув манбалари таркибида фойдали тузлар ва бошқа минерал моддалар кўп. Бу ерда ўсимликлар тез ривожланишини тажриба кўрсатди. Май ойида мўл ҳосил йиғиштириб олиш кутилмоқда.

ПЛАН ТОПШИРИҚЛАРИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИЛДИ!

● **УЛАН-БАТОР.** Монголия саноат корхоналарининг меҳнаткашлари шу йили ишни яхши бошладилар. «МХРП XVIII съезди қарорлари — ҳаётга» шиори остида бошланган ва кенг авж олдирилган социалистик мусобақа натижасида уч юздан ортиқ меҳнат коллективи қўшимча равишда бир неча ўн миллион тугриклик маҳсулот ишлаб чиқариб, йилнинг дастлабки тўрт ойи план топшириқларини муддатидан олдин бажарди.

«Монголсовцветмет» бирлашмасининг ва «Эрдэнэт» кон-бойитиш комбинатининг интернационал коллективлари мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар. Бу ерда монгол ва совет мутахассислари ёнма-ён меҳнат қилмоқдалар.

(ТАСС).

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

СОЦИАЛИЗМ ҒАЛАБАЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАЙЛИК

● ПРАГА. ЧКП Марказий Комитети Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак Чехословакияга расмий визит билан келган Кампучия Халқ революцион партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Кампучия Халқ Республикаси Министрлар кенгаши Раисининг ўринбосари ва миллий мудофаа министри Бу Тхонгни қабул қилди.

Чехословакия раҳбари Кампучия халқининг мамлакат миллий мустақиллиги ва бутунлиги учун олиб бораётган кураши билан бирдамлик билдирди, Кампучия халқининг янги ҳаёт қуриш йўлидаги куч-ғайратларига юксак баҳо берди.

Визит давомида шунингдек ЧССР Миллий мудофаа министри М. Дзур билан музокаралар олиб борилди.

НОРМАЛ МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН

● БРЮССЕЛЬ. Бельгия ташқи алоқалар министри Лео Тиндеманс Ғарбнинг социалистик мамлакатлар билан нормал савдо иқтисодий муносабатларини ривожлантиришни ёқлаб, АҚШ маъмурияти Ғарбий Европани Совет Иттифоқи билан «иқтисодий урушга» мажбур этаётганлигига қарши чиқди.

У «Суар» газетаси мухбири билан қилган суҳбатида жумладан қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: «Мен Совет Иттифоқи билан ва бошқа социалистик мамлакатлар билан нормал савдо алоқалари тарафдориман. Мен шарқ билан савдо урушига тамомила қаршиман. Бунинг устига мен улар билан савдо муносабатларини кенгайтириш тарафдориман».

Вильямсбергда (АҚШ)да 7 та энг катта капиталистик мамлакат раҳбарларининг бўлажак кенгашига тўхталиб, Л. Тиндеманс бундай кенгашларнинг ўтказилиши «умумий бозордаги» кичик мамлакатлар ўртасида норозиликни тобора кўпайтирмоқда деди.

ҲАРБИЙ АРАЛАШУВ ҚУРОЛИ

● НИКОСИЯ. Марказий қўмондонлик АҚШнинг мустақил давлатлар ички ишларига бевосита ҳарбий аралашув қуролидир. Бу қўмондонлик унинг фаолияти олиб борилаётган мамлакатлар учунгина эмас, балки шунингдек бутун дунёда тинчлик учун ҳам жиддий хавф туғдирмоқда. Умумараб халқ конгресси доимий секретариатининг бош секретари Умар Халит ал-Ҳамди бу ерда халқаро семинарни очиб, шундай деди. Халқаро семинарда юздан ортиқ халқаро миллий ташкилотлар ва партиялар шу жумладан Совет Иттифоқи вакиллари иштирок этмоқда. Симпозиумни ўтказишдан мақсад, деб таъкидлади У. Х. ал Ҳамди, марказий қўмондонлик тузилиши туфайли келиб чиққан хавф-хатарга жаҳон жамоатчилигининг диққат-эътиборини жалб этишдан, империалистларнинг ҳарбий базаларига ва Американинг Яқин Шарқдаги, Ҳинд океани ва бошқа районлардаги ҳарбий кучларига қарши, ўз мустақиллиги учун курашаётган халқларни қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

ПОРАХЎРНИ ҲИМОЯ ҚИЛМОҚДАЛАР

● ТОКИО. Японияннинг ҳукмрон либерал демократик партияси порахўрлик билан қўлга тушган собиқ бош министри К. Танакини ҳимоя қилмоқда. Американинг «Локхид» авиасозлик корпорацияси Япония ҳукуматининг олий мансабдорларига ва бизнесменларига пора берганлиги тўғрисидаги можарода К. Танаки бош айбдор ҳисобланади. Оппозиция вакиллари парламент қуйи палатаси комиссияларидан бирида либерал демократлар партиясининг собиқ бошлиғини парламент аъзоларига берилган имтиёзлардан маҳрум қилиш тўғрисида таклиф киритди. К. Танаки ҳамон таъсир кўрсатаётган ҳукмрон партия оппозиция киритган резолюция лойиҳасига овоз бермади, шу билан порахўр бош министрни суд бўлишдан қутқариб қолди.

ҲИНДИСТОН ХАЛҚЛАРИНИНГ БИРЛИГИ УЧУН

● ДЕҲЛИ. Ҳиндистон Бош министри И. Ганди мамлакатда диний жамоалар ўртасида адоватни кучайтираётган тўдаларнинг фаолиятига чек қўйиш учун қатъий чоралар кўришни талаб қилди. Министрлар кабинети аъзоларига йўллаган мактубда экстремист унсурлар атайлаб тартибсизлик туғдираётганликлари ва шу билан Ҳиндистон халқининг бирлигига ҳамда хавфсизлигига жиддий зарар етказаётганликлари таъкидланади. Ҳукумат бошлиғининг тавсиялари, жумладан шундай можароларни кўриб чиқиш учун махсус судлар ташкил этишни, экстремистлар иғвогарлигининг қурбони бўлган кишиларга ҳукумат томонидан дарҳол ёрдам берилишини назарда тутади.

(ТАСС,

«Совет Ўзбекистони»га жавоб берадилар

«Шаҳар матлубот жамияти томонидан йўл қўйилаётган камчиликларга қачон чек қўйилади?» [Нуроталик газетхонлар хатидан].

НАВОИЙ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ушбу шикоят хат юзасидан текшириш ўтказиб, қуйидаги мазмунда жавоб йўллаган:

— Нурота шаҳар матлубот жамияти пралениеси раиси А. Қаҳҳоров фаолиятидаги нуқсонлар текширилди. Ҳақиқатан ҳам шаҳар матлубот жамияти правлениеси раиси товар оборот плани бажарилишини таъминламаган, ойнинг охирида кассада лимитдан ортиқча пул қолган ва бошқа камчиликларга йўл қўйилган.

Текшириш натижалари область матлубот жамияти правлениеси мажлисида муҳокама қилинди. Правление қарорига кўра, А. Қаҳҳоровга ҳайфсан эълон қилинди. Область матлубот жамияти бўлимларига Нурота шаҳар матлубот жамияти устидан назоратни кучайтириш ва аҳолига савдо хизматини яхшилашда ёрдам кўрсатиш топширилди.

Ғафур ҒУЛОМ туғилган куннинг 80 йиллигига

УЛУҒ ШОИР, АДИБ ВА АРБОБ

ДИЛ СЎЗЛАРИ

Ғафур Ғулом шеърияти шундай бир оламки, унда янгилик ҳаётга ҳукмдордир, бу оламда қадрдон диёр илгаридан бутунлай янгича қиёфада намоён бўлади, бу диёрда мутлақо ўзгача олам, социалистик меҳнат миришкор одим ташлайди.

Ғафур Ғулом шеърияти Осиёнинг қудратли қуёши ҳамда коммунистик ғоялар нурига чўмган бой оламдай ярқирайди.

Мен рус шоириман, Ғафур Ғулом жаҳон шериятига қандай янгилик олиб келди, деб сўрасалар, айтар эдимки, ўзбек шоири ҳаёт шодликларини мадҳ этди, Осиёнинг янги кишиси образини яратди, яшарган Шарқ қўшиғини куйлади. У тасвирлаган янги Инсон қадрдон диёрининг қиёфасини ўзгартирди...

Николай ТИХОНОВ.

* * *

Ғафур Ғуломнинг қароргоҳи жаҳондир, бадиийлигининг уйи абадийликдир...

Анатолий СОФРОНОВ.

* * *

Ғафур Ғулом менинг жонажон дўстим ва устозимдир; қанчалик ўзбекники бўлса, шунчалик тожик халқининг ҳам, бошқа қардошларимизнинг ҳам улкан шоиридир.

Мирзо ТУРСУНЗОДА.

* * *

Ғафур Ғулом туркигўй халқлар шеърияти ривожига буюк ҳисса қўшган, бутун кўптилли совет адабиётимизнинг чўнг, кўркам вакилларидан бири ҳисобланган, барчамизнинг ғуруримиз бўлган ажойиб сўз санъаткоридир.

Чингиз АЙТМАТОВ.

Муҳтарам ўқувчи кўзи тушаётган ушбу мақола (бир қадар тўлдирилган), айниқса, мен учун жуда бебаҳо Ғафурона ёдгорлик дир. Гап шундаки, 1961 йилда шоиримизнинг «Ленин ва Шарқ» номли шеърлар тўпламини нашр этиладиган бўлиб қолди. Унга сўзбоши ёзиб беришни каминадан сўрашди. Ёзилди ҳам.

НАШРИЁТГА юборишдан олдин Ғафур акадан уни ўқиб беришни илтимос қилдим. Эртасигаёқ улуғларга хос камтаринлик ҳамда самимий севинч билан, ўзидагина мавжуд бўлган ёқимли ҳазил-мутойиба аралаш гўзал табассум билан деди:

— Ҳой, ука, мен шунчалик антиқаю улкан эканман-а!

Сўнгра яна кулиб, қўшиб қўйди:

— Жуда ҳам ошириб юборганга ўхшамайсанми-а?...

— Йўқ, Ғафур ака, Сизнинг чўнг камтарлигингизни ҳисобга олиб ҳали бу бир даражада озайтириб ёзилгани.

Бир оз кулишдик, пешонамдан майин ўпиб ҳам қўйди.

Шу тарзда, беҳад азиз дўстимиз қўли теккан ва ўткир нигоҳидан ўтган мазкур мақола мен учун забардаст шоирдан қолган ҳақиқатан ҳам беҳад қимматли ёдгорликдир, ўйлайманки, ҳозирги ўқувчилар учун ҳам шундай туюлар...

1923 йил 12 апрель Ғафур Ғулом номли шоирнинг туғилган куни бўлди: унинг биринчи шеъри шу кун эълон қилинди. Ўшандан бери ойлар, йиллар ўтди, яна қанча ва қандай ойлар, йиллар денг! Душман халқасидаги ёш Совет мамлакатини мустаҳкамлаш ва унинг вайрон қилинган хўжалигини тиклаш; муштумзўр деган балони жиловлаш ва тугатиш; замон талабига жавоб берадиган саноатни йўқдан бор қилиш ва қишлоқ қиёфасини социализм асосида қайта қуриш; маданий революция ғалабасини таъминлаш; империалистик давлатларнинг хуруж ва ҳужумларини енгиш; 1941 — 1945 йиллардаги даҳшатли ҳодисалар ва зафар салютлари; яна янги жамият қуришни жадал бошлаб юориш ва коммунизм асосларини кенг қўламда яратишга қаратилган азамат беш йиллик режаларини амалга оширишга киришиш, шу жумладан, Ватанга кўплаб пахта бериш; озодлик ҳамда фаровонликка интилаётган миллион-миллион мазлумларни қўллаб-қўлтиқлаш; муқаддас тинчлик ва демократия ишини маҳкам сақлаб қолиш...

Мана ўша ойлар, ўша йиллар! Ҳар бири умумбашарий аҳамиятга эга, ҳар бири инсоният тақдири ва истиқболини белгилайдиган тарихий воқеалар!

Шу ойлар, йиллар сайин шоир Ғафур Ғулом улғайди, камол топди. Шу воқеалар шоир ижодининг мазмуни ва ўзагини ташкил этди. Унинг шеъриятига ҳаёт берди. Унинг серқирра ижодини умумўзбек адабиёти тарихида жуда катта ва ўзига хос янги босқичга айлантирди.

Ҳа, у, давримиз чўққиси юксаклигидан туриб атрофга, узоқ-узоқларга, бутун мамлакат ва ер юзига, бутун хилқату коинотга чуқур мутафаккирона назар ташлади, ер курраси-ни, бутунлигича қаламга олди, улуғвор замон ва кўпқиррали социал ҳаётнинг умумбашарий маъно ҳамда мазмунга эга бўлган асосий масалаларини қамраб олишга интилди, олди ҳам, жамиятнинг ўзгариш ва ривожланиш қонуниятини, шиддатли кураш ва ғалаба диалектикасини қунт билан ўрганди ва бутун бир давр ҳамда илғор инсоннят учун фойдали ажойиб поэтик ҳамда прозаик асарлар яратди.

Ҳаққонийлик ва бевоситалик, мураккаб психологик моментлар ва руҳий кечинмалар, ҳайратомуз ранг-баранглик ва чуқур фалсафий умумлашмалар — булар Ғафур Ғулом шеъриятининг асл ва туғма безакларидир.

Актив ҳозиржавоблик ва замонавийликни, принципиал партиявийлик ва изчил ҳужумкорликни, куннинг деярли ҳар бир долзарб масаласига тезда ўз муносабатини билдиришни, халқ ва партия чақириғига «лаббай!» деб жавоб беришни шараф деб билиш Ғафур Ғулом ижодининг энг ўрнак бўларли фазилатларидандир. Шоир улуғ давримизнинг, буюк совет халқининг, доно партиямизнинг узвий қисмига айланиб кетди.

Хуллас, шоирнинг серқирра ижоди том маънода ҳаёт ойнаси, замон садосидир, халқимиз ҳаёти қомусидир. У, бадиий маданиятимиз равнақи учун яшаб, шеър устига шеър, китоб устига китоб қалаб, ғоят маҳсулдор фаолиятда бўлди, бўронли ва бунёдкор йиллар давомида.

Ўзбек совет адабиётини кўп жиҳатдан Ғафур Ғуломсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Шоир поэзиямизни, етакловчилардан, унинг йўналишини белгиловчилардан, унинг байроқдорларидан бўлиб қолди. Унинг ўзбек адабиётига, хусусан ўзбек шеъриятига, шу адабиёт ва шеърият вакилларига таъсири шу даражада зўр ва самаралидир.

Умуман, республикада шоир Ғафур Ғуломни билмаган бирон қария, ёшни топиш қийин бўлса керак.

Бепоён юртимиз ҳамда элларимиз ҳаёти ва фаолиятининг бош белгиловчи омили — коммунизм ғоялари ва қурилиши билан, Коммунистик партия ва унинг илҳомбахш сиёсати билан узвий боғланган улкан сўз санъаткорлигина шундай бўла олади.

Ҳа, партиямиз айтганидек, бизга кишиларни коммунистик идеаллар руҳида тарбиялайдиган, уларда социалистик воқелигимиздаги ҳамма ажойиб ва гўзал нарсалардан завқланиш ҳиссини уйғотадиган, кишиларда ўзларининг кучлари, билим ва қобилиятларини халқ хизматига бағишлашга тайёр туриш туйғусини, асарларидаги ижобий қаҳрамонлардан ибрат олиб, уларга эргашиш истагини туғдирадиган, уларда ҳаётдаги барча салбий нарсаларга муросасиз бўлиш ҳиссини тарбиялайдиган китоблар, кинофильмлар, спектакллар, музика асарлари, расм ва ҳайкаллар керак...

Ғафур Ғулом ана шундай санъаткорлардандир.

У ҳаққоний ғурур ва ҳаяжон билан, ўз ижодига комил ишонч ва қонуний фарах билан ёзган эди: «Мен ўзбек шоириман — ўз халқимнинг тилиман».

Ҳа, шундай! Шоирнинг ўз халқи тили ва дилидан олиб яратган боқий ва бебаҳо бадиий ҳазина мана неча-неча йиллардирки, яна халқ дили ва тилида барҳаёту достондир, бунёдкорлик ва курашларда қудратли ёрдамчилардандир.

Асосий гап бундагина эмас, яъни ўз халқининг ҳаёти, интилиши ва ҳаракатларини шу халқ тилидан шеърга кўчиришдагина эмас эди. Ғафур Ғулом барча совет халқлари тилидан сўзлади, ўз халқи дилини ифодалаб Ватанимиздаги барча қардошларга чексиз меҳр-муҳаббат ва ҳурмат изҳор этадиган асарлар яратди, уларга ҳар яхши ишда мададкор бўлди, уларни, дўстлик ва ҳамкорликни куйлади, уларнинг кулган бахтини, улкан ютуқларини, бири-бирига устоз, бири-бирига шогирд эканликларини тараннум этди.

Мунча меҳрибонсан,
мунчалар чин инсонсан,
Мунчалар қадрдонсан,
қадрдоним, оға рус!

Мазкур ажойиб образли мисралар ижодкорининг украиналик ва тожик, туркман, озарбайжон, грузин ва бошқа қардошларимизга ҳам бўлган муҳаббати, ҳурмати шундай чуқур, самимий ва кучлидир, ҳалжонлидир.

Асосий гап бундагина эмас. Юқорида айтганимиздек, Ғафур Ғулом ўз олижаноб халқи дилини, юксак интернационалистик, дўстлик фикрларини шеърга солиб, Ватанимиз чегараларидан ташқарилардаги барча тинчликсевар ва адолатпарвар халқларни ҳам юракдан ардоқлади, уларнинг дўстлиги ва ҳамкорлигини, илғор курашларини, империализм ва мустамлакачилик билан олишувларини, буюк ютуқларини куйлади, оғир аҳволлари ва андуҳларига чўнг ачинган ҳолда шерик бўлди. Уларга бахт ва осудалик тилади.

Мана, француз босқинчилари қонли қурол ва қабоҳат ёрдами ила жафокаш Жазоир халқини тутқунликда қолдиришга уринганларида, жанглар қаҳрамони — жазоир қизи Жамилани ўлимга ҳукм қилганларида шоиримиз ҳар бир сўзидан ўт чақнайдиган нидо солиб деди:

Шарқдаги қуёш билан, ўртадаги ош билан,
Кекса кўзда ёш билан, шу чимрилган қош
билан
Қасам ичиб айтаман: сен ўлмайсан, Жамила!
Сен ўлмайсан, Жамила, сен яшайсан, Жамила!

Шоир ҳақли эди: Жазоир енгди!..

Ҳуқуқсиз, мазлум ва эрксалаб негрларнинг қаҳрамон куйчиси машҳур Поль Робсон қаттиқ таъқиб остига олинганида уни ёқлаб, кўкларга кўтариб, унга, унинг халқига дардкаш ҳамда мададкор бўлди. Яна, империализм корчалонлари, мустамлакачи каллакесарлар Конгога ёпирилиб занжирбанд қилмоқчи бўлганларида шоиримиз шу мамлакат ва унинг халқи томонида тик туриб берди ва Лумумба қотилларига қарши яраланган шердек ташланди. Исроил истилочилари Америка қулдорлари ҳамда пулдорлари ёрдамида Ливанга бостириб кириб уни талаш, халқини қул қилиш ва қириш ниятида бўлганларида Ғафур Ғуломнинг қалби душмандан ўта жирканиш ва ўч олиш ўти билан тўлгандай бўлди, ўз кўкрагини шу мамлакат ва халққа қалқон қилгандай бўлди, курашда баҳодирликни актив тарғиб этди, ғалабага комил ишонч руҳини ташвиқ қилди. «Араблар ўз ҳуқуқин қўлида сақлай олур» деб эзгу ниятда бўлди, гарчи масаланинг ғоят жиддий эканлигини айтган ва ҳисобга олган бўлса да:

Яна олам уфқини чулғамиш зулм дуди,
Байрут дарвозасини душман қоқиб турибди.
Бузилди ер ва дўзах оралиги — худди,
Жаҳон бир қатра симоб, титраб, қалқиб
турибди....

АҚШ империалистлари ҳозиргидек қутириб дунё халқлари тинчлиги ва тақдирига таҳдид солганларида шоиримизнинг ғазаб фиғони аланга олиб кетади.

Шоир инглиз докерининг, италиялик деҳқон, францялик муҳтож ва америкалик ишсизларнинг ҳам дардини чекди, уларга озодлик ва бахт тилади...

Шу ернинг ўзида яна бир ғоят муҳим нарсани алоҳида қайд қилишни истардим: Лениндан, Ленин партиясидан, ўз халқи дилидан таълим олган улуғ совет шоири Ғафур Ғуломнинг бу чуқур интернационализми асосида, ер юзидаги барча халқларга бундай беҳад меҳрибонлик билан қараши, уларнинг дўстлигини куйлаши заминида, уларга самимий мададкор бўлиши замирида, ёвузларга нафрати остида қудратли гуманизм ётади.

Бутун китобларимни варақ-варақ ахтаринг,
Ҳамиша улуғ Инсон Ғафурнинг темасида.
Инсоннинг қатра қони менга оламча мазмун,
Фақат ўзинг бўяксан Қуёш системасида.

Шоиримиз ижодининг халқаро аҳамиятга эга эканлиги аввало бир-бирини тақозо қиладиган бир-бирига безак бўлиб тушадиган интернационализм ҳамда гуманизм билан, буларни ғоят кучли фалсафий мазмундорлик ва юксак бадиият ила ифодалаши билан изоҳ этилади. Бу ер юзидаги ҳар хил миллатларга ва илғор башариятга мансуб бўлган, замонамизнинг фахри ва ғурури ҳисобланган қатор-қатор буюк зотларнинг, шу жумладан, турк Нозим Ҳикмат ва покистонлик Файз Аҳмад Файзнинг, чилилик Пабло Неруда ва аргентиналик Рауль Гонсалес, рус Александр Фадеев ҳамда Николай Тихонов, тожик Мирзо Турсунзода ҳамда озарбайжонлик Самад Вурғун ва бошқаларнинг унга берган ғоят юксак баҳолари ва ифодалаган самимий севгилари билан ҳам изоҳ этилади.

Ҳа, Ғафур Ғуломнинг, чунончи, «Турксиб йўлларида», «Сен етим эмассан», «Вақт», «Соғиниш», «Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим», «Ленин ва Шарқ», «Фарғона дарёси», «Она қизим Жамилага», «Поль Робсонга» номли шеърлари чиндан да жаҳон адабиётининг дурдоналари даражасига кўтарилган асарлардир, ўз ижодкорига мангулик бахш этган ва шу жаҳон бадияти классиклари қаторидан ўрин олиб берган асарлардир, ўзбек халқининг янги сўз санъатини дунё миқёсида тан олдирган ва шу халқ баҳодирлиги шуҳратини, ўта бой ва гўзал руҳий олами шукуҳини ер юзи бўйлаб ёйдирган асарлардандир. Буни баралла айтишдан ва улуғ шоиримизга хусусан ҳозирги ажойиб сарҳисоб ва тантана айёмида бутун бор овоз билан «Валли!!!» дейишдан, унинг роли шундай мустасно эканлигини фахр ва ғурур ила қайд қилишдан тортинишга асло ўрин йўқ...

Келажакда янги, забардаст шоирлар овози янграйди, лекин истиқбол жарчиси бўлган Ғафур Ғуломнинг овози жанговар карнай наърасидек, тинчлик ва муҳаббат таронасидек жаранглайверади... Унинг юксак гражданлик фазилатларидан тортиб, то инсон қалбининг нозик, пинҳоний сирларигача тасвирлаши ёшларга ибрат бўлади

Ҳа, улуғ Ғафур Ғуломнинг қароргоҳи жаҳондир, бадиийлигининг уйи абадийликдир; унинг ҳозирги долзарб кунларимизга ҳам буткул ҳамоҳанг бўлган, ҳайратланарли титаник ва ҳаваслaнарли лирик шеърий овози ҳар ерда баланд янграйди, барчани Гўзаллик ва Эзгуликка ундаб...

Вохид ЗОҲИДОВ.
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.

БАШАРИЯТГА МАНСУБ

Ғафур **ҒУЛОМ**

КАТТА ОИЛА

Ушбу шеър шоирнинг архивида қолган шеърлар орасидан танлаб олинди. У тугалланмаган бўлиши мумкин. Биз унга шартли равишда «Катта оила» деб сарлавҳа қўйдик. Шеър матбуотда биринчи марта эълон қилинмоқда.

Халқларнинг ишонган партиясисан,
Инсоннинг энг етук ақлу идроки.
— Бу ер она юртинг, —
деганда Ленин,
Олтинга айланди Ватаним хоки.

Едидан чиқмагай биз ўзбекларнинг,
Ота Калининнинг келган йиллари.
Сенга умид боғлаб байроғинг тутиб,
Сайхун, Жайхунларнинг озод эллари.

Йўлдош отамизни қўллаб-қўлтиқлаб,
Олий минбарларга кўтарган ўзинг.
Бир батрак йигитдан арбоб яратдинг,
Тасанно айтамиз ўткирдир кўзинг.

Октябрь мактабин алифбесини
Бизларга ўргатдинг савод кўрсида
Оқсоқол кексалар кўз ойнак тақиб
Қиқирди ўтириб парта — курсида.

Ўзи ер ағдариб, ариқлар қазиб,
Ўзи пахта экиб яланғоч қолган,
Миллион батракларга мадад етказиб,
Ўзин ер-сувига эга қилгансан

Оналар ҳурмати «ҳужум» бошладик,
Жаҳолат чачвони ўтга ташланди.
Янгича онла, янгича ҳаёт
Янгича муҳаббат даври бошланди.

Бу юртин ўртаган босмачиларнинг
Охирги галаси тиқилди гўрга.
Бизга қойил қолди олам эллари,
Сен бошлиқ етишдик шунча ғурурга.

Ишчилар синфининг Ленин идроки
Юртимни лаънатдан айлаганда пок,
Қизил Шарқ заводин тракторлари
Ялпи қўриқларни айлар эди чок.

Омоч азобидан қутилди деҳқон,
Каналлар мисоли чиниқ беқасам,
Катта биродари ишчи синфига
Деҳқон содиқликда ичади қасам.

Қаттиқ курашларда байроқдоримиз
Аждарни янчмакка сен бошлагач йўл.
Жаҳолат, разолат, қулоқлар, бидъат.
Ҳамза қотиллари янчилди буткул.

Жамолин кўрсатиб она, сингил, ёр.
Қуёшдек чиқдилар биз билан сафда.
Ҳазон офатидан қутилди баҳор
Инжулар порлади, гўёки кафтда.

Қўлтиқлаб олишдик, она ер бағри
Буткул яшнаб кетди меҳнатимиздан
Пешона теридек артиб ташладик,
Бир қатра қолмади кулфатимиздан.

Катта онлага бизни қилдинг жам,
Ленин тадбирила, улуғ партиям.
Коллектив ўзбекнинг рўзғори ёруғ,
Ҳар саҳар ташаккур айтсак,
сенга кам.

Ильич маърифатин сўнмас чароғи,
Тобора ёритгач Шарқнинг кўксини,
Баландроқ юксалди Ленин байроғи
Дўстлар таниб олди,
дўстнинг дўстини.

Биз ахир Ильичнинг мерос ақлимиз,
Чаманлар унади биз борган жойда.
Не-не шаҳарларни қурди халқимиз,
Чирчиқ ҳам йўқ эди. Бегобод қайда!

ТАШАККУР АЙТАМАН

Ғафур Ғуломнинг ҳаёт йўли улуғ воқеалар, оламшумул ҳодисалар, биз китоблардан ўқиб, ҳужжатли суратларда кўрганимиз — ҳайратомуз, тасаввурга сиғмайдиган курашлар жабҳасига тўғри келган.

Революция арафасидаги шум даврлар «Шум бола»да акс этганидек, ҳамма аччиқ-чучукни тотиб кўрган, бир бурда нон, укаларига бир қошиқ оби ёвғон қайнасин учун синамаган ҳунари, қилмаган иши қолмаган эди.

Шундай чакана хизматлардан бири — у кўча-кўйда бақириб-чақириб, харидор излаб газета сотар эди. Шу вақтларда унинг озми-кўпми саводи бўлганлиги учун бўлаётган воқеалардан хабари бор эди.

В. И. Ленин — жаҳон пролетариатининг доҳийси ҳақида ҳам шу газеталарнинг узуқ-юлуқ хабарларидан билиб олган эди. Улуғ доҳийга бўлган ҳурмати ўша — тетапоя таассуротларида ҳам чексиз эди. (Бу гапларни ўзи мақолаларида айтган).

Ғафур Ғулом эски турмушнинг энг ночор, энг ўксикли кунларини ўз бошидан кечиргани туфайли революциянинг моҳиятини ҳали тўла-тўкис тушуниб етмаса-да, бўладиган ўзгаришлар ҳақида эшитиб, қандайдир катта ёруғликни сезиб, уни ғоят хурсандлик билан кутиб олган.

Бўлғуси шоир ўз устида тинмай ишлайди, унинг учун эски тузумдаги олган таҳсиллари — рус-тузем мактаби камлик қилган эди. У замонаси билан ҳамнафас бўлиб, революцион ишчиёшлар олдига қўйилган вазифаларни зеҳни ўткирлиги сабаб тезгина тушуниб олади-да, кундан кун ўз малакасини оширади ва 1919 йилда комсомол сафига киради. Шу йили ўқитувчилар курсига кириб ўқийди. Кейин муаллимлик қилади.

1923 йили боқимсиз қолган болалар уйида тарбиячи, кейинчалик директор бўлиб ишлайди. Кечагина «бир меҳрибон сўз нондек арзанда» бўлган, бугун чароғон Ленин идеялари билан обод бўлган озодлар, тенглар мамлакатида ўзи каби етим қолган гўдакларни тарбия қиларкан, қалби меҳрга тўлиб, ўша — ўзи учун етмай қолган эзгу сўзларни ҳар бир болага айтгиси келарди.

Ғафур Ғулом ижодининг илк даврига тўғри келадиган «Феликс болалари» шеърида замонасининг энг асосий проблемаси — келажакка, келажагимиз эгалари — ёшларга давлат томонидан кўрсатилаётган эътиборни куйлайди. Мана шу шеъридаёқ шоир Ленинга бўлган ҳурматини болалар тилидан айтади.

У ўз шеърларида ҳар кунни эртага, эртани кечага таққослаш билан қаҳрамонларнинг ички дунёсини очиб беради. Уларнинг ички мазмунида: «Ким эдигу ким бўла олдик», деган каттакон фалсафий мушоҳада ётади.

Шоир бу мавзуда йирик тарихий-фалсафий асар ёзмоқчи эди, лекин бунга улгуролмай қолди. Мен бу ҳақда унинг ўзидан кўп марта эшитганман. Бу асар ўша — ўзи туғилган маҳалласи — Қўрғонтегида яшаган кишилар ҳақида бўлиб, уларнинг ўтмиши, ҳозирги куни, келажаги, яъни фарзандларининг ҳаёт йўлига бағишланган бўлиши керак эди.

У биргина маҳалла миқёсида бутун Советлар мамлакати эришган ютуқларни кўрсатмоқчи эди.

Таққослаш шеърнинг таъсир кучини оширса, иккинчи томонидан шу яшаб турганимиз — коммунизм замонасини қадрлаш, унинг янада такомил топиши йўлида меҳнатни аямасликка чақирувчи шоир фалсафаси ҳам ётади.

Шоир хоҳ ҳажми жиҳатидан катта, хоҳ кичик бир шеърида бўлсин, шу мантиққа асосланиб, улуғ воқеалар билан жамлаб, кўтаринки бир пафос билан тугаллайдики, кичкина воқеа катта фалсафий фикрнинг кучини беради.

Ғафур Ғулом замон билан ҳамнафас эканини «Муштум» журнали ташкил этилгандаёқ исбот қилди. Шоир журнал саҳифаларида партия, Совет ҳукуматининг тилмочи бўлиб ҳар бир қолоқлик, эскилик сарқити, хотин-қизлар масаласи, бепаролик, ўзибўларчиликларга қарши ўткир сатирик асарлар билан чиқди.

Шоирнинг Маяковский мактаби услубида катта фалсафий, юксак партиявий эътиқод билан ёзилган шеъри «Яловбардорликка»нинг ҳар мисрасининг ўзида бир поэмачалик маъно ётади.

Майли, ўтмиш ўн йил менга
шуур берди, онг берди,
Гўдакликдан йигитликка кўтарди,
куч-қон берди.
Мен улғайдим
курашларнинг нашъаларин эмарак,
Келгусига мендайлардан
миллион-миллионлар керак.
Иқтидорим:
мураббийси — ВКП(б) даҳоси
шуъларин тагида
Гаври зангор чўққисидай
виқорли
Қизил аскар шлёмидай
дағдағали муқтадир.
Аҳён-аҳён:
— нега дейман,
эрта кунги Октябрь
Жаҳон бўйлаб инқилоб
туғилгувчи кун бўлмас.
Мен курашда,
мен қамалда ўлган
Номсиз
рядовой —
Бкр аскардай сафбастмен
ўзлигига иловсиз...

Шоирнинг шу эътиқоди бутун умр бўйи фақат кучаяди ва унинг Улуғ Ватан уруши йилларида ҳар бир шеърхонга ёд бўлиб кетган юксак интернационализм, тенгсиз гуманизм ва ватанпарварликнинг ажойиб намунаси сифатида ёзилган шеърлари бунёд бўлади.

Ғафур Ғулом шеърлари хоҳ болаларга, хоҳ ўсмирларга, хоҳ байрамга аталган шеърлар бўлсин, у бир мантиқ, бизнинг йўлбошчимиз, доҳийимиз В. И. Ленин ва партияга содиқлик, уни шарафлаш билан якунланади.

Шоирнинг жўшқин, оташнафас, сергавқ қалби, Ленинга бўлган иқтидори баъзан лирик қаҳрамон тилидан изҳор этилади, баъзан романтик, баъзан гуманистик руҳ билан ифодаланади. Шоир шундай улуғ замонда яшаётганига Лениндан миннатдор, унга ташаккур айтиб:

Ташаккур айтаман азиз умрнинг
Улуғ ва муқаддас чароғбонига,
Шунчалик юксакдир қиймати нурнинг
Мунис, меҳрибондир одам жонига.
Ёруғлик жаҳонни бошлангичидир,
Жонини бағишлар нурга парвона,
Сен ёққан чироғнинг машъаласида
Порлади асрлар, замин, замона. —

деб унга бевосита мурожаат қилади.

Ғафур Ғулом ўзининг Ленинга бўлган ҳурматини «Ленин учун», «Улуғ Ленин номи билан», «В. И. Ленин», «Халқлар отасига», «В. И. Ленинга», «Ленин офтоби», «Ленин чашмаси», «Ленин ва Шарқ» ва яна бир қанча шеърларида изҳор қилди.

Шеъримнинг мазмунлари,
фикрим, ижодимда сиз,
Юрак сўзимни айтдим;
туғилган кундан буён.
Сизга ташаккур айтар,
эй, менинг улуғ доҳим
Номингиз шарафи-ла
улуғлик топган замон.
Ленин тарбияти-ла жаҳондаги кишилар
Ўзини таниб олди инсонга ғурур билан,
Мен шеъримни ёзаман,
доим ёзганим каби
Ильичнинг ўзи ёққан
порлоқ ушбу нур билан, —

дейди. Бу улуғ номни умри бўйи куйлаган шоир улуғ Ленин номидаги мукофотни ўзбек шоирлари орасида биринчи бўлиб олишга мушарраф бўлди.

Бундай саодатни, афсус, шоир кўрмай қолди. Агар у ҳаёт бўлса, ҳали ишлатилмаган сўзлари билан бутун халққа, партияга чексиз миннатдорчилигини билдириб, таъзим билан ташаккур айтар эди.

Ўзбек элининг камтарин, лекин Ленин берган ҳуқуқ боисидан ғурури Ҳимолай тоғининг Жомолунгма чўққисидай виқорли шоирнинг Лениндай даҳога бўлган эътиқодини фазоларга ўлчаб, ўзининг унутилмас сатрлари билан:

Мен ўзбек шоириман,
ўз халқимнинг тилиман,
Қалбим буюрганини
айтиб келдим ҳамиша.
Ленин парваришини топган ўзбек элиман
Бу куним, келажагим,
барчаси Ленинпеша, —

якунлаймиз. Чунки шоирнинг шеъридан ҳам яхши сўзларни топиб бўлмайди.

ОЛМОС.

ЮБИЛЕЙ КЎРГАЗМАСИ

Шу кунларда атоқли совет шоири Ғафур Ғулом туғилган куннинг 80 йиллигига бағишланиб, корхоналарда, билим даргоҳларида адабий кечалар ўтказилмоқда, шоир асарлари кўргазмалари очилмоқда.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат кутубхонасида ҳам Ғафур Ғулом асарлари кўргазмаси очилди. Кўргазмада шоир асарларининг ўн жилдлиги алоҳида ўрин тутади. Шунингдек, кутубхонанинг нодир китоблар фондида сақланаётган «Нетай», «Оқ Жўранинг болалари», «Сизга», «Едгор» сингари китобларнинг нодир нусхалари ҳам кўргазмада намойиш этилмоқда.

Киров районидаги М. Ю. Лермонтов номли марказий кутубхонада ҳам шоир ижодига бағишланган мароқли адабий кеча бўлиб ўтди. Айниқса, пойтахтдаги Ғафур Ғулом номидаги 169-мактабда шоир юбилейига бағишланган адабий кеча сермазмун бўлди. Кечада иштирок этган Қуддус Муҳаммадий, Жуманиёз Жабборов, Пўлат Мўмин, Миразиз Аъзамов каби шоирлар ва Ғафур Ғуломнинг ўғли — таниқли олим Мирзаабдулқодир Ғуломов шоирнинг ижодий фаолияти ва сермазмун ҳаёти ҳақида кеча қатнашчиларига сўзлаб бердилар.

Р. НУРМУРОДОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎзТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Ахборот

СПОРТ КОСТЮМЛАРИ

Самарқанд трикотаж фабрикаси конвейеридан спорт костюмларининг дастлабки туркуми тайёрлаб чиқарилди. Костюмларни тўқиш учун юқори сифатли соф жун калавадан фойдаланилмоқда.

Бу йил корхона коллективи яна 18 хил янги маҳсулотни ўзлаштиришни мўлжалламоқда. Корхонада тайёрланадиган кийим-кечаклар хушбичимлиги билан ажралиб туради. Илғор технологиядан фойдаланилаётганлиги, юқори самарали машина-механизмлар ўзлаштирилаётганлиги Самарқанд трикотажи сифатини яхшилашга кўмаклашмоқда. Шу йил бошидан бери корхонада Сифат белгиси билан чиқарилган кийим-кечаклар ўтган йилнинг шу давридагига қарагандa қариб икки баравар кўпайди. Эндиликда фабрика конвейеридан чиқарилаётган ҳар бешта кийимнинг биттасини фахрли бешбурчак безаб турибди.

ҚАНАЛ ҚУРИЛИШИДА

«Амубухараканалстрой» бошқармаси 4-механизациялашган колоннасининг экскаваторчилари Теша Ярашев, Қаҳрамон Кўкламов, Анатолий Сторожев, Саид Жумаевлар ҳар куни икки смена топшириғини бажарамиз, деган шиор остида ишламоқдалар. Шу кунларда механизаторлар Бухоро областидаги муҳим халқ хўжалик объекти — Свердлов магистрал машина канали қурилишида меҳнат қилмоқдалар. Республикадаги ўн беш нафар пешқадам ташаббусининг издошлари бўлган бу экипажлар ўз иш графигидан анча ўзиб кетмоқдалар.

РЕЗАВОР МЕВАЛАР ПИШДИ

Фарғона областининг ихтисослаштирилган «Ўзбекистон» совхозида ўрмон қулупнайи теришга киришилди. Бу йил хўжаликда мўл резавор ҳосили етиштирилди. Эрта баҳорда майдонларга ишлов берилди. Бўш жойларга ўсимлик кўчатлари ўтказилди. Илгари беда, оралиқ озуқа экинлари экилган майдонлардан айниқса мўл резавор ҳосили олинмоқда. Чунки бу экинлар тупроқни тўйимли моддалар билан бойитади. Деҳқонлар резавор меванинг хушбўйлигини ва яхши сақланишини таъминлаш мақсадида ҳосилни эрталаб териб олмоқдалар. Ҳар куни бу ерда савдо тармоғига бир тоннагача ўрмон қулупнайи жўнатилмоқда.

Рус тили — қардошлик тили

ҚУДРАТЛИ ВА НАФИС

Коммунистик партия ва Совет давлати ёш авлод ҳақида чексиз ғамхўрлик қилмоқдалар. Самарқандда рус тили бўйича ўтказиладиган республика илмий-амалий конференцияси ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Рус тили ўзбек халқига жуда қадрдон ва яқин. Биз уни севамиз, билишни истаймиз ва ўрганишга интиламиз. Кейинги йилларда республикамизда рус бўлмаган аҳолининг бу тилни эгаллаб олиши учун катта ишлар қилинди. Умумий таълим мактабларида рус тили ўқитишни яхшилаш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилди, дарсликлар, икки тилли луғатлар, қўлланмалар, рус тилида ўқиш учун махсус кутубхоначалар яратилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика ҳукумати, Маориф министрлиги ўқувчи ёшларга рус тилини ўргатиш мазмуни ва савиясини яхшилаш, ўқитишнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, мактаб ва бошқа ўқув юртларини малакали рус тили ўқитувчи кадрлари билан таъминлаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқдалар.

Ҳозирги пайтда Тошкент шаҳрида рус тили миллий мактабларда биринчи синфдан ўнинчи синфгача ўқитилмоқда. Болаларнинг рус тилини яхши ўрганишларида болалар боғчаларидаги таълим ишлари катта ёрдам бермоқда. Кейинги йилларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, мактабгача ёшдаги болалар иккинчи тилни осонроқ ва тезроқ ўрганишмоқда. Шунинг учун ҳам рус тили ўргатиладиган болалар боғчаларининг сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Агар 1974—1975 ўқув йилида фақат тўрттагина боғчада рус тили ўргатилган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 70 тага етди. Ўқув машғулотларида педагог-мураббийлар ранг-баранг кўргазмали қуроллар — предметлар, моделлар, ўйинчоқлардан кенг фойдаланмоқдалар.

Мураббийлар машғулотлар учун сўзлашув материалини тематик принципга кўра танлайдилар. «Узим ҳақимда», «Менинг оилам», «Менинг шаҳрим», «Мактаб», «Биз иноқ оилада яшаймиз» сингари материаллар, шунингдек, фонетик машқлар болалар товушларни тўғри талаффуз қилишларига катта ёрдам беради. Шаҳардаги 395-, 448-, 479- ва бошқа болалар боғча-ясли-ларида тарбияланувчиларнинг рус тилини самаралироқ ўзлаштиришлари учун лингафон аппаратлари ўрнатилган. Ҳамза районидаги 470-болалар боғчасида рус тилини ўрганиш тўғараги ишлаб турибди. Шунингдек, ота-оналар учун педагогика билимлари университетининг рус тили факультети машғулотлари олиб борилмоқда. Боғчадан сўнг рус тилини ўргатиш мактабларда давом эттирилади.

Тошкент шаҳрининг қатор мактаблари ва 1-мактаб-интернатда рус тилини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу билим масканларида кўплаб тажрибали ўқитувчилар дарс беради, лингафон кабинети жиҳозланган, ўқитишнинг хилма-хил техника воситалари, дидактик ва кўргазмали материаллардан кенг фойдаланилмоқда. Шаҳарнинг кўплаб ўқувчилари рус тили факультетларига қатнайди. Тингловчиларнинг кучи билан концертлар, конференциялар, рус тилида поэзия кечалари ўтказилмоқда. 70-, 9-, 81-, 102-мактабларда факультатив ишларнинг қизиқарли тажрибаси тўпланди. Рус тили ўқитилишига синфдан ташқари ишларда ҳам катта аҳамият берилмоқда. Талайгина ўқувчилар мактабларда, пионер уйлари ва саройларида тўгаракларга қатнашмоқдалар.

Болалар бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг район фестиваллари, кўрик-конкурслари ўтказилмоқда. 241-мактабнинг «Малишок» рус тили тўғараги ибратли ишлар қилмоқда. Болалар ота-оналарига ўз маҳоратларини тез-тез намойиш қилиб турадилар. Рус тилини яхши билиш, аниқ талаффуз, адабий нутқ ана шу тўгарак қатнашчиларини ҳозирданоқ ажратиб туради.

Шаҳарда ҳар йили «Рус тили — миллатлараро алоқа тили» деган мавзуда конференция ўтказилади. Фан олимпиадалари ёшларнинг рус тилини эгаллашдаги чуқур билимларининг чинакам кўригига айланмоқда. Миллий мактабларда рус тили бўйича 1983 йилги республика олимпиадасида Тошкент командаси биринчи ўринни эгаллади. 117-, 28-, 162-, 73- ва бошқа мактабларнинг ўқувчилари барча олимпиада топшириқларини муваффақиятли бажариб, совринли ўринларни эгалладилар.

Болаларнинг рус тилини муваффақиятли ўзлаштиришларида тил муҳитининг аҳамияти катта эканлигини яхши тушунган мактаб ва болалар боғчаларининг педагогик коллективлари маҳаллаларда, ота-оналар университетларида ва лекторийларда катта иш олиб бормоқдалар. Ҳозирги пайтда 138-мактаб базасида «Рус тилини ўрган» педагогик билимлар халқ университети ишлаб турибди. Ана шу университет орқали рус тилини пропаганда қилишда Ф. Энгельс номидаги Тошкент чет тиллар педагогика институти мутахассислари катта роль ўйнамоқдалар.

Шаҳар халқ маорифи Бош бошқармаси педагогик кадрларни тайёрлаш ва жойжойига қўйиш ишига катта аҳамият бермоқда. Пойтахт ўқитувчилар малакасини ошириш институтида сўнгги йиллар ичида болаларни рус тилига ўргатувчи бир талай ўқитувчи ва мураббийлар малака оширишди. Ҳар йили «Ўқитишнинг техника воситалари ва дидактик материаллардан дарсларда фойдаланиш», «Рус тилига ўргатиш жараёнида ғоявий-сиёсий тарбия» сингари бир қатор муҳим мавзулар юзасидан семинарлар ўтказилмоқда. Илғор мактабгача тарбия муассасаларининг тажрибалари умумлаштирилмоқда.

Самарқандда ўтказиладиган илмий-амалий конференция муносабати билан шаҳар халқ маорифи Бош бошқармаси рус тили ва адабиёти ўқитиш методларини такомиллаштириш, таълимни техника воситалари билан таъминлаш бўйича қатор тадбирлар ишлаб чиқди ва амалга оширмоқда. Бугунги асосий вазифа миллий мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларимизда тўпланган рус тили ўқитиш бўйича бой тажрибани ўрганиш ва уни кенг ёйишдан иборатдир.

Шаҳар халқ маорифи Бош бошқармасининг район ҳарбий комиссариатлари билан биргаликда рус тилини ўрганишни янада яхшилаш бўйича ўтказаётган ишлари ажойиб анъана бўлиб қолди. Рус тилини яхши билмайдиган ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшлар группасини тузиш ва улар билан ишлаш, аввало, ўқитувчиларнинг савиясига ва маҳоратига боғлиқ. Шу мақсадда шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти қошида 1979 йилдан бошлаб ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшлар группалари билан ишловчи ўқитувчилар учун қисқа муддатли курслар уюштириляпти.

Рус тилини пухта ва чуқур ўргатишда ўқитувчиларнинг фидокорлиги катта роль ўйнайди. Бизнинг барча умидимиз педагоглардан. Зеро, ҳеч қандай техника воситалари ва яхши жиҳозланган кабинетлар ўқитувчининг жонли сўзидек таъсир кўрсата олмайди. Чунки, фақат ҳис-туйғу билан, кучли хотира билангина Пушкиннинг равонлигини, Чеховнинг талабчанлигини, Толстойнинг донолигини, Достоевскийнинг дард-аламини тушуниш мумкин. Буни яхши англаган пойтахтимизнинг рус тили ўқитувчилари бу фанни ўқитишни кундан кунга яхшилаш учун тинмай изланмоқдалар.

Ҳ. ИЎЛДОШЕВ,
Тошкент шаҳар халқ маорифи Бош бошқармаси бошлиғи.

ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Суратларда: Халқлар дўстлиги майдонининг бугунги кўринишлари.

Ж. Тўраев фотолари.

СПОРТ

СССР ХАЛҚЛАРИ СПАРТАКИАДАСИ:

БИРИНЧИ ЧЕМПИОНЛАР

Олимпиада олди йилининг йирик спорт анжумани —СССР халқлари ёзги VIII Спартакиадасининг финал мусобақалари бошланди. Биринчи бўлиб баскетболчи қизлар майдонга тушдилар. Ўзбекистон терма командаси Москва (48:98) ва Белоруссия (54:77) баскетболчилари билан учрашди. Спартакиаданинг дастлабки чемпионлари марафонча югуриш бўйича аниқланди. 42 километру 195 метрга югуришни ўрнига қўйган ивановолик Юрий Плешков маррада биринчи бўлди. У икки соат 15,22 секунд натижа кўрсатди. Аёллар ўртасида қозоғистонлик Зоя Иванова Спартакиаданинг олтин медали совриндори бўлди.

Республикамиз марафончилари ҳам муваффақиятли бахслашдилар. Жумладан, анренлик Владимир Белобородов еттинчи ўринни эгаллаб командамизга қимматли 18 очко келтирди. Чирчиқлик Татьяна Греднева тўққизинчи, гулистонлик Надя Усмонова 18-ўринларни олишди. Умумкоманда ҳисобида югурувчиларимиз бешинчи бўлишди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

ЮҚОРИ НАТИЖАЛАР

Тошкентдаги Марказий «Пахтакор» стадионида Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикалари енгил атлетикачилари ўртасида анъанавий мусобақа бўлиб ўтди. СССР халқлари Спартакиадасига пухта ҳозирлик кўраётган енгил атлетикачилар маҳорат кўрсатишга ҳаракат қилишди. Чунончи қирғизистонлик Игорь Паклин 233 сантиметрли баландга сакраш билан жаҳон миқёсидаги натижага эришди. Чирчиқлик Г. Белков, 230 сантиметрли маррани эгаллаб, кумуш медаль совриндори бўлди. Тошкентлик В. Просвирин (228 см) учинчи ўринни олди. Аёллар бахсида тошкентлик Л. Бутузова билан қирғизистонлик М. Сисоевалар 189 сантиметрли натижа кўрсатдилар.

Лангар билан сакрашда тошкентлик А. Парнов 5 метру 57 сантиметрли маррани эгаллади. Уч хатлаб сакраш бахслари ҳам муроқли бўлди. Унда фрунзелик Ш. Аббосов (17,27 м) муваффақият қозонди. Тошкентлик Б. Хохлов (16,86 м) иккинчи ўринни олди. Тошкентлик А. Дундик найзани 83 метру 42 сантиметрга улоқтириб ғалаба қозонди. Шунингдек, 3 километрга югуриш, эстафета ҳамда кўпкураш бахслари ҳам мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Умумкоманда ҳисобида республикамиз енгил атлетикачилари 697 очко тўплаб биринчи ўринни олишди. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон коллективлари қолган ўринларни эгалладилар.

Совринлар ва ўринлар

✦ **БОКС Варнада ниҳоясига етган Европа чемпионатида совет боксчиларидан саккиз киши олтин медалли бўлди.**

✦ **СУВ ТЎПИ. Лос-Анжелосда жаҳон кубоги учун ўтказилган мусобақа якунланди. Совет ватерполчилари 11 очко тўплаб бош совринни қўлга киритишди. Бу муваффақиятга тошкентлик Эркин Шагаев ҳам муносиб ҳиссасини қўшди.**

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Эл соғлиғи — юрт бойлиги

ТИББИЁТНИНГ МУҲИМ ЖАБҲАСИ

Бугун Тошкентда патолог анатомларнинг Бутуниттифоқ VII съезди ўз ишини бошлайди. Унинг ишида мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан ҳамда қардош Болгария, Венгрия, ГДР, Чехословакия, Руминия, Югославия ва бошқа давлатлардан келган олим ҳамда врачлар қатнашадилар.

Кейинги йилларда фан ва техника тараққиёти медицинага ҳам баракали таъсир этмоқда. Касалликларнинг олдини олиш, уларни тўғри аниқлаш ва даволаш ишларида фан-техника ютуқларидан кенг фойдаланилмоқда. Хусусан, ўпка, ошқозон-ичак системаси, юрак-қон томирлари ҳамда улардаги тўқималар оптик аппаратлар ёрдамида ўрганилмоқда (эндоскопия) ва суратга туширилмоқда. Патолог анатомлар шу йўл билан олинган материаллар асосида одам қандай касалликка чалинганлигини аниқлайдилар. Шунингдек, хасталик натижасида нобуд бўлганларни текшириб, дард қанчалик тўғри аниқланганлиги ва даволанганлигини назорат қилиш ҳам улар зиммасига юклатилган. Шу боисдан ҳам патологик анатомия хизматини яхшилаш медицинанинг бундан кейинги ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу хизматни янада такомиллаштириш съезд кун тартибига биринчи масала сифатида киритилганлиги бежиз эмас, албатта.

Маълумки, инсон организмида учрайдиган касалликларнинг аксарияти яллиғланишдан келиб чиқади. Унинг турлари кўп. Одамларда бир хил сабаб натижасида рўй берган яллиғланиш ҳар хил ўтади. Кейинги йилларда бу ҳодисани тиббиётда ўрганиш имконияти кенгайди ва, табиийки, бу борада анчагина янги маълумотлар олинди. Эндиликда уларни ҳар томонлама муҳокама этиш зарурати юзага келди. Шу боис съездда яллиғланиш жараёни одам аъзолари, тўқималарида келтириб чиқарадиган ўзгаришларнинг муҳокамасига ҳам катта эътибор берилади.

Анжуман кун тартибидаги яна бир масала иммунитет, унинг шаклланиши, унда иштирок этадиган тўқима ва ҳужайралар ҳамда уларга таъсир этиш воситалари, қолаверса иммунитет билан боғлиқ касалликлардир. Илгари иммунитет деганда юқумли касалликларга нисбатан организмнинг чидамлилиги тушунилган бўлса, ҳозирги кунда унинг замирида бутун бир система ётади. Бу система бир томондан организмнинг ташқи муҳит билан боғлиқ бўлган мувозанатини таъминласа, иккинчи томондан унинг ўз ичида бўладиган ҳодисалар мувозанатини назорат қилиб туради.

Тирик организм жуда кўп ҳужайраларнинг умумий бир мақсадга мослашган йиғиндиси бўлиб — уларнинг вазифаси турличадир. Лекин ҳар бир организм ҳужайралари ўзининг келиб чиқиши, ирсий белгилари ва таркиби бўйича фақат шу организмга хос бўлган хусусиятларга эга. Иммунологик система эса шу организмга хос хусусиятларга мослашган бўлиб, ҳар қандай бошқача хусусиятли модда ёки ҳужайралар танага кирса, ёхуд организмнинг ўзида ҳосил бўлса, уни йўқотишга ҳаракат қилади. Шуниси ҳам борки, организм ҳужайраларининг аксарияти доимий бўлмай, маълум вақт яшагандан кейин ҳалок бўлади, ўрнига янгилари пайдо бўлади. Айрим пайтларда шу ҳосил бўлаётган ҳужайраларнинг баъзилари хусусияти ўзгариб қолиши ва организм учун «бегона» ҳужайрага айланиши ҳам мумкин. Иммунологик система мана шу «бегона» ҳужайраларга қарши кураш олиб боради ва уларни йўқотиб, организм ички мувозанатини тиклаб туради.

Иммунологик ҳодисалар ҳамма вақт ҳам силлиқ ўтавермайди. Баъзида иммунологик реакциялар керагидан қамроқ бўлса, айрим ҳолларда ҳаддан ташқари кучли кечади. Бу ҳодисалар иммунологик реакциялар билан боғлиқ бўлган касалликларни (иммуно-патологик ҳолат) келтириб чиқаради. Организмдаги иммунологик ҳодисаларни ўрганиш эса тиббиёт учун жуда муҳимдир.

Съездда юқумли касалликларда, турли аъзоларни кўчириб ўтқазиш ва ёмон ўсма хасталикларида иммунологик реакцияларнинг аҳамиятига, шунингдек, аъзо, тўқима ва ҳужайраларда содир бўладиган ўзгаришларни ўрганиш, бу борада олинган янги маълумотларни муҳокама этишга ҳам жуда катта эътибор берилади.

Медицинанинг бу соҳасида республикамизда ҳам кўплаб эътиборга лойиқ илмий изланишлар олиб борилмоқда. Аъзоларни кўчириб ўтқазиш устидаги ишларни олинг. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Ў. Орипов бошчилигида буйракни кўчириб ўтқазиш устида муҳим ишлар қилинди. Аъзоларни кўчириб ўтқазишда асосий тўсиқлардан бири иммунологик системанинг «бегона» аъзони «билиб қолиб», уни қабул қилмаслигидир. Шунинг учун ҳам организм «пайванд»га ўрганиб олгунча иммунологик система ишини кучсизлантириб туриш лозим бўлади. Бу соҳада республикамизда амалга оширилган ишлар Иттифоқ ва ҳатто жаҳон миқёсида эътироф этилмоқда. Иммунологик система ишини вақтинча сусайтира оладиган янги дорилар — иммунодеприссантлар амалиётга жорий этилди.

Организмдаги иммунологик ҳодисаларни тўла-тўкис ўрганиш иши ҳали жуда кўп илмий изланиш ва тадқиқот олиб боришни талаб этади. Съездда бу борада қўлга киритилган ютуқлар таъкидланиб, натижалар умумлаштирилади, олдинда турган проблемаларни ҳал этиш йўллари режалаштирилади олинади.

Р. АЪЗАМОВ,
съезд ташкилот комитетининг аъзоси, Ўзбекистон сил касалликлар илмий-текшириш институти директорининг ўринбосари.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: машинасозлик технологияси, гидромелиорация ишларини ташкил этиш ва технология, қишлоқ хўжалик машиналари;

кафедра доцентлари: машинасозлик технологияси, гидромелиорация ишларини ташкил этиш ва технология;

кафедра катта ўқитувчиси: қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқариш;

кафедра ассистенти: чорвачилик фермаларини механизациялаштириш.

КОНКУРС МУДДАТИ — 5 ИЮНГАЧА.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, ГСП Қориниёзий кўчаси, 39-уй, кадрлар бўлими.

●

РЕСПУБЛИКА МАХСУС МУЗИКА-РАССОМЧИЛИК МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ

1983-84 ўқув йили учун

МУЗИКА ВА ТАСВИРИЙ САНЪАТ БЎЛИМЛАРИНИНГ БИРИНЧИ СИНФЛАРИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мактаб-интернатда ўқувчиларга умумий ўрта маълумот ва фортепъяно, скрипка, хор дирижёрлиги, ўзбек миллий музика асбоблари, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, графика ихтисосларидан таълим берилади.

Ўқиш муддати 11 йил.

Мактаб-интернатга музика ва расмга қобилияти бор, жисмоний соғлом 7 ёшлик болалар қабул қилинади.

Кириш конкурси то 5 июнгача, ҳафтанинг биринчи, иккинчи, учинчи ва бешинчи кунлари, эрталаб соат 10 дан 16.00 гача ўтказилади.

Мактаб-интернат дирекцияси номига ёзилган ариза, боланинг соғлиги ҳақидаги справка, туғилиш гувоҳномасининг асли, турган жойидан справкалар ва икки дона расми топширилади.

Мактаб-интернатда тарбияланувчи болалар учун белгиланган тартибда пул тўланади, асосий контингент областлардан қабул қилинади.

Мактаб-интернат ўқувчиларни ётоқхона билан таъминлайди.

Бизнинг адрес: 700152, Тошкент-152, А. Икромов райони, В-22 кварталы, 1«а»-уй. Телефон 76-36-50.

●

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг

АКУШЕРЛИК ВА ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

КЛИНИК ОРДИНАТУРАГА

акушерлик ва гинекология ихтисоси бўйича (3 ўрин)

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳужжатлар 27 майгача қабул қилинади.

Институт ётоқхона билан таъминланмайди. Тошкент шаҳрида прописканси бўлмаганлар конкурсга қўйилмайдилар.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700124, Тошкент шаҳри, М. Горький проспекти, 132«а»-уй.

«Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси коллективи редакция ходими А. Тўраевга онаси

Саломат ЭРМАТОВАнинг

вафот этгандиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

17 МАЙ, СЕШАНБА

МОСКВА-I 9.00 — Время. 9.40 — Мультфильмлар. 10.05 —Мангу даъват. Бадиий фильм 2-қисм. 4-серия. 11.15 — Хор ижроси учун ёзилган куйлардан концерт. 12.15 — Ҳужжатли фильм. 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Мамлакат телевидение студияларининг ҳужжатли фильмлари. 16.05 — Илмий-оммабоп журнал. 16.50 — РСФСРда хизмат кўрсатган артист А. Ихарев чалади. 17.10 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 17.40 — Ёшлар адреси. 18.40 — Халқаро музейлар кунига. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Коллектив нимага қодир туркумидан биринчи кўрсатув. 20.00 — СССР халқ артисти Ц. Татишвили куйлайди. 20.25 — Мангу даъват. Бадиий фильм. 2-қисм 5-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Жонли сатрлар. Фильм-концерт. 22.45 — Дунё воқеалари. 23.00 — Спорт ҳафталиги. 23.30 — Концерт.

МОСКВА-II. 9.00—Гимнастика. 9.15 — Низомий Ганжавий Телевизион ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.45 — Табиатшунослик. 9.55 — Илмий оммабоп фильм. 10.15 ва 14.15—Француз тили. 11.05 — Эстетик тарбия. 11.35 ва 12.55 — Ботаника. 11.55 — Шахмат мактаби. 12.25 — Қиссалар. 13.15 —Музика. 13.45 — И. Гёте Фауст. 14.45 — Илмий-оммабоп фильм 14.55 — Сен қонунни биласанми?! 15.40 — Н. Асеев поэзияси. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Илмий-оммабоп фильм. 19.00 — Нафосат манбаларига. 19.30 — Олга жипс отрядлар. 20.30 — Тунингиз хайрли бўлсин кичкинтойлар. 20.45 — Совет тинчликни сақлаш комитетининг раиси Ю. А. Жуков суҳбати. 21.15 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — У Ватанни ҳимоя қилади. Бадиий фильм. 23.35—Жаҳон велосипед пойгаси.

ТОШКЕНТ-I. 18.05 — Фильм-концерт. 18.50 — Пионерлар мамлакатида. 19.20 — Сув ресурсларини муҳофаза қилиш. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ғ. Ғулом туғилган куннинг 80 йиллигига. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.20 — Наталшаҳоним. Бадиий фильм. 23.45 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Ўқитувчи экрани. 18.40 — Ҳужжатли фильм. 18.50 — Математика. 19.50 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Комиссарларнинг набиралари. 20.50 — Эстетика асослари. 21.30— Москва-II.

18 МАЙ, ЧОРШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Саёҳатчилар клуби. 10.40 — Мангу даъват. Бадиий фильм. 2-қисм. 5-серия. 11.45 — Д. Шостакович. 1-концерт. 12.05 — Ҳужжатли фильмлар. 16.25 — Концерт. 16.50 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 17.20 — Концерт. 17.50 — Горнчлар қаердасиз! 18.35 — Фан ва турмуш. 19.05 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — РСФСР бадиий коллективларининг концерти. 20.00 — Футбол. Халқаро учрашув. Австрия —СССР. 21.30 — Время. 22.00 — Футбол. Болгария — СССР. Танаффус пайтида — Дунё воқеалари. 23.45 — Спорт ҳафталиги.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 —Астрономия. 10.05 ва 13.40 — Немис тили. 11.05 — Физика. 11.35 ва 12.40 — Биология. 12.05 — Ота-оналар, Сизлар учун. 13.10 — Музика. 14.10— Илмий-оммабоп фильм. 14.30— Сенинг ленинча кутубхонанг. 15.15 — Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади?! 15.45 — А. П. Чехов. Ваня тоға. 16.30 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Кинотомошабин ҳамроҳи. 19.35 — Илҳом. 20.00 — А. Вознесенский. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45— Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Гражданин Лёшка. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I 11.30 — Физика. 12.00 — Телефильм. 12.30 — Рус адабиёти. 13.00 — Май қўнғироқлари. 13.40 — Князь Константиннинг соати. Телеспектакль. 18.05 — Мультфильмлар. 18.30 — Болалар учун концерт. 19.00 — Ўзбекистон мактаб ўқувчиларининг XXVII спартакиадаси. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.05 — Жаҳон музейлари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Халқаро аҳвол кундалиги. 22.15 — Узундан узоқ иш. Бадиий фильм. 23.45 — Янгиликлар.

«Радио»

17 МАЙ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Лирик концерт. 9.30 — Дўстлик байроғи. 12.10 —Ишчинома. 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Табаррук замин. 16.00 — Ғ. Ғулом туғилган куннинг 80 йиллигига бағишланган адабий эшиттириш. 18.15 — Сиёсий билимлар радиоуниверситети. 19.25 — Ёшлик. 20.50 — Унинг қудратли овози. 21.10— Мирзачўлни ўзлаштираётганларга бағишланган музикали эшиттириш. 22.30 — Ғ. Ғулом шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 23.10 — Ўзбекистон ССР Давлат телевидениесининг совринни учун кураш бўйича Ўзбекистон чемпионатидан репортаж.

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000, Тошкент-П.
Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16. 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Р. 02950. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 112. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15